

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ
ВА КОММУНИКАЦИЯЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ**

“Ҳимояга рухсат”

«Телестудия тизимлари ва
иловалари» кафедраси мудири:

_____ **Б.Ж.Базарбаев**

« 02 » июнь 2015 й.

Б И Т И Р У В М А Л А К А В И Й И Ш И

Мавзу: «Академик Тельман Дадаевич» ҳужжатли фильм
(мавзу номи)

Битирувчи	_____	А.Б.Хайтматов
	(имзо)	
Илмий раҳбар	_____	Г.Т.Ибрагимова
	(имзо)	
Тақризчи (ташқи)	_____	Ф.Патхуллаев
	(имзо)	
ТХ ва ММ бўйича маслаҳатчи	_____	Ф.М.Қодиров
	(имзо)	

Тошкент – 2015.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ
ВА КОММУНИКАЦИЯЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ**

Факультет: “Телевизион технологиялар” факультети
Кафедра: “Телестудия тизимлари ва иловалари”
Йўналиш (мутахассислик) шифри ва номи:
5151500 – “Кинотелеоператорлик”

“Тасдиқлайман”
кафедра мудирини _____
« _____ » _____ 2015 й.

**Битирув малакавий иш учун
ТОПШИРИҚ**

ХАЙТМАТОВ АББОС БОҲОДИР ЎҒЛИ

(Талабанинг Ф.И.Ш.)

1. Иш мавзуси: «Академик Тельман Дадаевич» ҳужжатли фильми
2. «19»01.2015 й. № 60-18 буйруқ билан университет бўйича тасдиқланган.
3. Яқунланган ишни топшириш муддати: 25 май 2015 йил
4. Ишга керакли маълумотлар: Битирув малакавий иш мавзусини ёритиб бериш учун ҳужжатли ва операторлик санъати, унинг тарихи, асосий услуб ва тамойиллари, операторлик техникалари ва уларнинг бадиий имкониятлари ва бошқа маълумотлар керак бўлади.
5. Хисоблаш-тушунтириш ёзуви мазмуни (ишланмага тегишли саволлар):
Мазкур Битирув малакавий ишида телевидениеда, ҳусусан ҳужжатли фильмлар яратишда операторнинг фильм тасвирий ечими ўстидаги ижодий иши ва операторлик маҳорати масалаларига асосий эътибор қаратилган бўлиб, “Академик Тельман Дадаевич” ҳужжатли фильми мисолида очиқ берилган.
6. График маълумотлар кетма-кетлиги: Битирув малакавий ишида график маълумотларнинг чизма, сурат, фотография каби кўринишларидан фойдаланилган бўлиб, улар мавзунини ёритиш жараёнида хронологик тартибда бериб борилади.
7. Топшириқ берилган сана: 26 январь 2015 йил

Раҳбар: Г.Т.Ибрагимова

(имзо)

Топшириқни қабул қилдим:

(имзо)

8. БМИ алоҳида бўлимлари бўйича маслаҳат

Бўлим	Раҳбарнинг Ф.И.Ш	Имзо, сана	
		Топшириқ бердим	Топшириқ олдим
Ишнинг “Кириш” қисми (унда қаралаётган муаммо ёки масаланинг таснифи, унинг мақсади ва долзарблиги асосланади)	Г.Т.Ибрагимова		
		26.01.2015 й.	
Ишнинг “Асосий қисми” (унда қаралаётган муаммо ёки масаланинг асосий назарий қисми баён этилади.)	Г.Т.Ибрагимова		
		23.02.2015 й.	
Ишга илова сифатида тасвирга олинган фильм ёки телекўрсатув (унда қаралаётган муаммо ёки масалани амалий иш мисолида очиб берилади)	Г.Т.Ибрагимова		
		23.03.2015 й.	
Битирув малакавий ишини бажаришда ҳаётий фаолият хавфсизлигини таъминлаш	Ф.М.Қодиров		
		27.04.2015 й.	
Ишнинг “Хулоса” ва иловалар қисми (унда ишдан олинган асосий хулосалар, натижалар келтирилади ва тасдиқ сифатида чизма, фотосурат ва расмлар бўлиши мумкин)	Г.Т.Ибрагимова		
		25.05.2015 й.	

9. Ишни бажариш графиги

№	Иш бўлимининг номи	Бажариш муддати	Бажарилиши тўғрисида раҳбар тасдиғи (имзоси)
1.	Ишнинг “Кириш” қисми	21.02.2015 й.	
2.	Ишнинг “Асосий қисми”	20.03.2015 й.	
3.	Битирув малакавий ишини бажаришда ҳаётий фаолият хавфсизлигини таъминлаш чора-тадбирлари	25.04.2015 й.	
4.	Ишга илова сифатида тасвирга олинган фильм ёки телекўрсатув	23.05.2015 й.	
5.	Ишнинг “Хулоса” ва иловалар қисми	23.05.2015 й.	
6.	Ҳамма бўлимлар жихатидан тайёр бўлган ишни топшириш.	02.06.2015 й.	

АННОТАЦИЯ

Мазкур битирув малакавий ишида хужжатли фильмлар, хусусан фильм-портретлар яратишдаги операторнинг фильм тасвирий ечими устидаги ижодий иши ва операторлик маҳорати масалаларига асосий эътибор қаратилган бўлиб, кўтарилган мавзу таниқли физик олим, академик Тельман Дадаевич Раджабовнинг ҳайти ва илмий йўлига бағишланган “Академик Тельман Дадаевич” деб номланган хужжатли фильм мисолида очиб берилган.

АННОТАЦИЯ

В данной выпускной квалификационной работе рассмотрены особенности документального, в частности фильма-портрета, как вид кино, творческая деятельность оператора над фильмом, над его изобразительным, колористическим решением, в том числе, работа в создании документальных фильмов. Тема раскрывается на примере процесса создания документального фильма-портрета “Академик Тельман Дадаевич”, посвященной к жизненному пути великого ученого, академика Тельмана Дадаевича Раджабова.

SUMMARY

In this final qualification work are considered particularities documentary, in particular film-portrait, as type cinema, creative work of the cameraman on film, on its scene, color decision, including, work in creation documentary film. The Subject opens on example of the process of the making the documentary film-portrait "Academician Telman Dadaevich", denoted to life way of great scientist, academician Telman Dadaevich Radzhabov.

МУНДАРИЖА

КИРИШ	5
--------------------	----------

1-БОБ.

ЎУЖЖАТЛИ КИНОДА ОПЕРАТОРНИНГ ИЖОДИЙ ФАОЛИЯТИ

1.1. Кино санъатнинг жанрлари.....	10
1.2. Бугунги кун ўзбек хусусий киносида ҳаваскорлик муаммоси.....	13
1.3. Ўужжатли кинода фильм-портрет жанри.....	18

2-БОБ.

“АКАДЕМИК ТЕЛЬМАН ДАДАЕВИЧ” ЎУЖЖАТЛИ ФИЛЬМИНИ ТАСВИРГА ОЛИШ ЖАРАЁНИ.

2.1. “Академик Тельман Дадаевич” ҳужжатли фильми сценарийси устида ишлаш.....	21
2.2. Фильмни тасвирга олиш ишларига тайёрларлик жараёни.....	23
2.3. Тасвирга олиш (ишлаб чиқариш) жараёни.....	24
2.4. Монтаж ва овозлаштириш жараёни.....	42

3-БОБ.

ЎАЁТ ФАОЛИЯТИ ХАВФСИЗЛИГИ

3.1. Иш жойларини ташкил қилиш.....	45
3.2. Табиат ва жамият муносабатларининг узвийлиги ва уларни оптималлаштириш жиҳатлари.....	48
3.3. Ёнғин хавфсизлиги.....	52
3.4. Фавқулоддаги ҳолат критериялари.....	53

ЎУЛОСА.....	56
--------------------	-----------

Фойдаланилган адабиётлар.....	58
--------------------------------------	-----------

Иловалар	59
-----------------------	-----------

КИРИШ

Инсон онгига умуминсоний ғояларни сингдиришда кино санъатининг ўрни ва имкониятлари бекиёсдир. Театр, тасвирий санъат, музика, адабиёт унсурларини ўзида мужассам этган экран санъати бир томондан – жамиятда кечаётган жараёнларга бадиий, фалсафий, эстетик умумлашмалар нуктаи назаридан ёндошса, иккинчи томондан – унга хос бўлган оммавийлик бу умумлашмаларни катта-катта аудиторияларга мароқли ва таъсирчан шакл-шамойилда етказиб бериш имконини яратади.

Синтетик санъат тури – кинонинг ўзига хослиги кино қаҳрамонларнинг ички дунёси сўз билан, ўй-хаёллари операторлик санъатининг тасвирий ифода воситалари орқали, режиссёрнинг топилмасида, композиторнинг қаҳрамон табиатига монанд музикавий безак ярата билишида ўз аксини топади. Тўғри танланган мавзу, ғоя, муҳими, режиссёрлик ечими каби умумлашмалар томошабинни фильм давомида рўй бераётган воқеа жойига пинҳона етаклайди. Кино санъатининг ўзига хос қонун-қоидалари асосида яратилган экран асари намойиши давомида томошабин киноқаҳрамон яшаб турган маконда бирга нафас олади, дардларига дарддош, шодликларига шерик бўлади.

Миллий кино санъати тарихидан кўплаб бадиий тажрибалар, ижодий парвоз ва инқирозлар, кино санъати анъаналари, ўзига хос миллий мактабнинг шаклланиши, жанр-мавзувий изланишлар жой олган. Тан олиб айтиш керак, йил сайин ўзбек кино санъати бадиий, услубий, ғоявий, тасвирий ва ифодавий жиҳатдан такомиллашиб бормоқда.

Президент Ислом Каримов: “Эндиги асосий вазифа – кишиларимизнинг мустақил фикрлашга ўрганиши, ўзига ишончининг орта боришидир. Чунки тафаккур озод бўлмаса, онг ва шуур тайзикдан, қулликдан қутулмаса, инсон тўла озод бўлолмайди. Тараққиёт тақдирини маънавий жиҳатдан етук одамлар ҳал қилади”¹, – деган эди. Шу мақсадда бошқа соҳаларда бўлгани каби ўзбек миллий киноси ривожини учун кенг йўл очиб

¹ Каримов И. Ўзбекистон XXI асрга интилоқда. – Т.: “Ўзбекистон”, 2000. – 74-бет.

берилди. Мустақилликнинг дастлабки йиллари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1992 йил 9 мартдаги “Кинокомпания” тармоғини ташкил этиш тўғрисидаги Фармонида асосан кино соҳасини алоҳида тармоқ тизим сифатида қайтадан тикланиши, 1996 йил 29 апрелдаги Фармонга асосан, “Ўзбеккино” давлат акционерлик компаниясининг тузилиши, 2004 йил 16 мартда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Кинематография соҳасида бошқаришни янада такомиллаштириш тўғрисида”ги Фармони ва 17 мартда Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбеккино Миллий агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги қарори шу ғамхўрликнинг амалий натижасидир. Ушбу тарихий ҳужжатларни жорий этишдан мақсад – миллий кинематографияни янада ривожлантириш, мамлакатда амалга оширилаётган улугвор ўзгариш ҳамда ютуқларни миллий истиқлол ғоясининг мазмун-моҳиятини кино санъати воситасида тўлақонли бадиий акс эттириш, бадиий, ҳужжатли, илмий-оммабоп ва мультипликацион фильмларнинг халқимиз ҳаётидаги, айниқса, ёшлар тарбиясидаги аҳамиятини оширишдан иборат.

Киносанъатнинг вужудга келиш жараёнида унинг турлари ҳам ривожланди. Кинонинг турлари бир-биридан фильмда гавдаланган материал билан, ифода воситалари билан, уларда илгари сурилган мақсадлари билан фарқ қилади. Кинонинг *бадиий* тури замонавий воқелик, тарихий ўтмиш, турли хил фантастика воқеаларни фильмда гавдалантира олиши, актёр санъати орқали очиб берилиши билан ҳам эътиборли. Фильмни барча таркибий қисмлари – режиссура, рассом иши, операторлик маҳорати ва композиторларнинг ижодий ишлари инсон тақдирини, унинг феъл-атворини, у иштирок этган воқеа ва вазиятларни очиб беришга бўйсундирилади ва унинг бадиий хусусиятлари учун ҳам инсонни тарбиялаш унга умуминсоний ғояларни, миллийлик ва қадриятларни сингдиришда таъсирчан воситадир.

Кино санъатининг *ҳужжатли кино* турида тасвирнинг асосий материали, мавзуи ўтмишда бўй берган фактлар, воқеа-ҳодисалар, ҳозирги замонавий воқеликнинг ўзи бўлиши мумкин. Барча ифода воситалари ҳақиқий воқеаларнинг моҳиятини, фильмга асос қилиб олинган ҳақиқий

инсон тақдирининг моҳиятини очиб беришга бўйсундирилади. Бу киносанъат турининг асосий хусусиятлари-тўғрилиқ, ҳақиқийликдир. Бу кинонинг фильмлари образлилиги, юксак бадиийлиги билан ажралиб туради. *Илмий-оммабон кинода* эса мавзу илм-фан, меҳнатдаги кишиларнинг кашфиёти, ихтиролари, муҳим, қизиқарли муаммолардан иборатдир. Бу кино турининг фильмлари орқали илмий кашфиётлар, ихтиролар, ҳақиқатлар, фарзлар оммалаштирилади.

Кинонинг *анимацион* турида ҳар қандай мавзу, муаммо, жанрларда бўлиши мумкин. Болалар ва катталар учун мўлжалланган эртаклар, ҳозирги замоннинг ғоят кескин муаммолари, масалан, экологик муаммолар, тарихий ўтмиш ва ҳақозолар шулар жумласидандир. Ўзиб келаётган ёш авлоднинг тарбиясида анимацион фильмларнинг ўрни бекиёслиги барчага маълум.

Гарчи кинонинг барча турлари ўзига хос ифодавий воситалари билан, мавзу ва материали билан фарқ қилса-да, уларнинг барчаси ягона мақсадга ҳар томонлама комил инсонни тарбиялашга, уни шахс сифатида шаклланишига хизмат қилади.

Маънавият тушунчаси ҳар қайси одам, жамият, миллат ва халқ ҳаётида ҳеч нарса билан ўлчаб бўлмайдиган алоҳида ўринга эга. "Маънавият инсонни руҳан поклаш, қалбан улғайишга чорлайдиган, одамни ички дунёси, иродасини бақувват, имон, эътиқодини бутун қиладиган, виждонини уйғотадиган бекиёс куч. У барча қарашларнинг мезонидир."² Ҳаётимиздаги деярли ҳар бир соҳада ўз тасдиғини топаётган ва яққол ҳақиқатни акс эттирган маънавият тушунчаси мамлакатимиз маданий, диний, маърифий қарашларини ўзида акс эттиради. Бу борада маданият ва санъат соҳаларини оладиган бўлсак, жамият ва халқ ҳаётини ўзида ифодаловчи асосий соҳалардан бири ҳам маънавиятдир. Қайси бир давлат ёки халқ ривожланиш даражасида тараққий этишида, шу мамлакатда яшаётган инсонларнинг маънавий ва маданий салоҳияти муҳим аҳамият касб этади. Тарихан миллий

² Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч – Т.: Маънавият, 2008.78-б.

маънавияти ва бой маданиятини қадрлай олган халқгина юксак тараққиёт
босқичига эришади.

1-БОБ. ХУЖЖАТЛИ КИНОДА ОПЕРАТОРНИНГ ИЖОДИЙ ФАОЛИЯТИ

1.1. Кино санъатнинг жанрлари.

Кино турларининг жанрлари адабиёт таъсири билан шаклланган. Адабиёт жанрлар эса кўп асрлар мобайнида вужудга келган ва муайян белгилар ҳамда тамойилларга эга. Кинонинг навқиронлик даврида адабий жанрлар бадиий фильмларга ўтган ва режиссёрлар уларнинг қонунқоидаларига қатъий амал қилганлар. Бироқ, кино ривожланиб борган сари жанр чегаралари кенгайиб борган. Фильмнинг ғояси, мавзуи, мақсадини, қаҳрамонлар характери чўқурроқ очиқ бериш учун бадиий кинола жанрларнинг аралашув содир бўлади. Бу ҳодиса ҳозирги замон киносига ҳам одатий.

Машҳур рус режиссёри Э.Рязановнинг “Автомобилдан сақланинг” номли фильмини эслайлик. Уни комедия жанрига киритиш мумкин, лекин айтилиши вақтда бизнинг олдимизда детектив намоён бўлади. У ёки бу жанрнинг ифода воситалари бир-бирига кўчади, бироқ улар ният ва қаҳрамон характерининг бирлиги билан ягона асарга айланади.

Кинонинг барча турлари жанрларнинг бой бўлиши кинематографчиларнинг янги-янги мавзуларни, сюжетларни, ҳаётини материалларни ўзлаштиришлари билан боғлиқдир.

Кино ижодкор ўз сценарийси ва фильм учун танлаган жанр, ижодкорнинг материалга бўлган муносабатини ҳам, услубини ҳам талқинини аниқ ифода қилади. Жанрда унинг дунёқараши, бадиий тафаккури намоён бўлади. Сценарий муаллифи, режиссёр ўз асари учун муайян жанрни танлаши бу фильм драматургиясига асос қилиб олинган материални муайян тарзда инкишоф этиши бу асарнинг бадиий ўлчовини белгиламоқ. Шундай қилиб, жанр режиссёрга ниятини амалга ошириш учун зарур ифода воситаларини танлашини белгилаб беради.

Жанрни танлаш – сценарий муаллифининг ҳам, режиссёрнинг ҳам ишидаги маъсулиятли жиҳатлардан биридир. “Асарнинг жанрга мансублиги

юзаки бир хусусият эмас, балки у асарнинг бутун бадиий тўқимасини белгилаб берадиган фазилатдир”¹. Бу сўзлар эртаклар морфологияси ва жанрларини тадқиқ этган машҳур олим В. Я. Пропп қаламига мансубдир.

Кинонинг ҳар бир турида жанрлар ўз хусусиятларига эгадир. Кино санъати поэтикаси эса жанрлар хусусиятини, улардан фойдаланиш йўллариини белгилаб беради.

Мисол учун рангтасвирдаги ва ҳужжатли кинодаги портрет жанрини таққослаб кўрайлик. Ҳар иккала санъатда бу жанрда бир инсон ҳақида ҳикоя қилинади. Унисиди ҳам, бунисиди ҳам муаллифлар ушбу инсоннинг ўзига хослигини, бетакрорлигини кўрсатиб беришга интиладилар. Лекин бунда рассом ҳам, кинематографчи ҳам турли ифода воситаларидан фойдаланадилар. Рассом ўз асари учун композициясидан, колоритдан фойдаланади, эътиборни қаҳрамоннинг кийимига, унинг деталларига қаратади ва айниқса қаҳрамоннинг чеҳрасини синчиклаб тасвирлайди, бундан мақсад унинг шахсини ёрқин очиб беришдан иборатдир. Кинода буларнинг ҳаммасига қаҳрамоннинг пластикаси ва албатта, нутқи қўшилиб, образнинг ички дунёсини алоҳида куч билан очиб бериши мумкин. Зеро макон ва вақтдаги ҳаракат кино учун хос бўлиб, портрет жанрида муҳим аҳамиятга эгадир.

Кинодаги жанр қотиб қолган нарса эмас. Улар ривожланиб, янгиланиб боради, айримлари ўтмишда қолиб кетади. Жанр қонунлари бадиий усуллар, қоидалар мажмуидан иборат. Улар ҳар бир жанр учун зарур, чунки фильм жанрини ривожлантириб янги қонун-қоидалар билан бойитади. Режиссёр ўз ниятини амалга оширишда ифодавий ёрқинликка интилиб баъзан жанр қонунларидан четга чиқиши мумкин. Кўп ҳолларда буни режиссёрнинг шахси, ўзига хослиги эмас, балки фильмга танланган материал тақазо этади.

Режиссёр Э.Рязанов ўзининг ҳар бир фильмида жанрни янгилашдан иборат махсус вазифани ўз олдига қўймайди, балки сюжетлар қонун-қоидасидан четга чиқишни назарда тутати. Шунинг учун ҳам унинг машҳур

¹ Пропп В.Я. Фольклор и действительность. М.наука. 1976. 38 б.

“Карнавал кечаси” фильми айни вақтда ҳам лирик, ҳам ҳажвий комедия ҳисобланади. “Шафқатсиз романс” фильмни сатира ва трагедия унсурларига эга бўлган мелодрамалар, “Орзулар осмони” эса-яққол ифодаланган драматик. Лекин режиссёр чегараларини бузиб, уларга комедия ва трагедия оҳанглари киритган.

Жанрларни бир-бирига аралашиб кетиши - бу уларнинг ифода воситалари ва тамойилларини фильмни яратишда вужудга келадиган вазифалар билан боғлиқ равишда ички жиҳатдан қайта жойлаштиришдир. Ҳозирги замон киносига жанрларни аралаш ҳолда ишлатилиши одатий воқеадир. Драматургия, ғоя, режиссура жиддий бўлганда жанрларнинг аралаш келиши ижобий натижалар беради. Масалан, М. Калотозовнинг “Турналар учмоқда” фильмида мелодраматик сюжет трагедияга яқинлашиб қолган визуал узвий бирликда ўзаро муносабатга киришади. Шунинг учун пластик ечимибилан ғоят хилма-хил жанр воситалари фильмга чуқур, бой маъно бағишлайди. Драматургия етарли даражада пишиқ бўлганда жанрни аниқ танлаш, ўзига хос ифода воситалардан фойдаланиш фильмнинг муваффақиятини белгилаб бериши мумкин.

XX аср иккинчи ярмидаги бадиий фильмларда қуйидаги жанрларни ажратиш кўрсатиш мумкин:

Трагедия – Л. Файзиевнинг “Улуғбек юлдузи”, Г. Козинцевнинг “Қирол Лир”, Д. Кэмероннинг “Титаник” фильмлари;

Драма – (Ш.Аббосовнинг “Сен етим эмассан”, Э.Эшмуҳаммедовнинг “Алвидо, ғўр ёшлигим...”, Б.Флемингнинг “Шамолларда учган ҳисларим”);

Комедия – (Я. Протазановнинг “Насриддин Бухорода”, Н. Ғаниевнинг “Насриддиннинг саргузаштлари”, М.Абзаловнинг “Келинлар кўзғолони”, “Чимилдик” фильмлари);

Мелодрама – (Ҳиндистондаги Бомбей мактаби фильмлари); Шунингдек, Детектив, саргузаштлар, фантастик жанрлардаги фильмлар.

Деярли ҳар бир жанрда уларнинг ҳар хил турлари учрайди. Комедия-ўзига хос белгиларга эга бўлган алоҳида жанр бўлиб, у мусиқали

(Й.Аъзамовнинг “Мафтунингман”), маиший (режиссёр Ш. Аббосовнинг “Маҳаллада дув-дув гап”), ҳажвий (Э.Рязановнинг “Гараж”) бўлиши мумкин. Вазият комедиялар ҳам (Чаплиннинг илк фильмлари) мавжуд. Кинонинг дастлабки - бошланиш пайтларида “пирохен” комедиялар оммалашган эди, бу комедияларда албатта қаҳрамонлар бир-бирига тортлар отишарди.

Ҳужжатли ва илмий-оммабоп кинода портрет, очерк, манзарали фильм, фильм-интервьюлар жанрлари оммалашган.

Анимацияли кино эса мавжуд жанрларнинг бутун бойлигини ўзида мужассамлаштиргандир.

Бадий ижодда бўлажак фильмнинг қайси жанрга мансуб бўлиши алоҳида муҳим аҳамиятга эгадир, чунки у актёрнинг роль ижро этишдаги услуб ва ҳаракат тарзини ҳам белгилайди.

Фильм қайси жанрга мансублигининг аниқлиги уни томошабин томонидан яхши идрок этилишига самарали таъсир кўрсатади.

1.2. Бугунги кун ўзбек хусусий киносида ҳаваскорлик муаммоси

Мамлакатимиз ўз мустақиллигини қўлга киритгач, деярли барча соҳаларда қатор ислоҳотлар амалга оширилди. Бу ислоҳотларнинг барчаси собиқ Совет Иттифоқи даврида халқимизнинг юрак тубида жойлашиб қолган муаммо ва камчиликларни бартараф этишга қаратилди. Биз ўзлигимизни англашимиз учун, энг аввало, миллий қадриятларимизни қайта тиклашимиз лозимлиги, тоталитар тузумнинг ғоявий тазйиқлари, буйруқбозликларига барҳам беришимиз кераклиги кундай равшан бўлиб қолди. Бу каби ислоҳотларнинг амалга оширилиши, айниқса, санъат соҳаси учун жуда муҳим аҳамият касб этарди. Зеро, санъат инсонлар тафаккурига таъсир этувчи энг кучли қуролдир. Муҳтарам Президентимиз И.А.Каримов айтиб ўтганларидек, “Санъат ҳеч қандай мафкурага бўйсунмаслиги лозим!”. Собиқ Иттифоқ даврида ғоявий тазйиқ, айниқса, кино соҳасида кенг кўламда амалга оширилар эди. Сабаби, кино қолган санъат турларидан кўра тезроқ

оммавийлашиш имкониятига эга. Бу даврда давлат томонидан тасвирга туширилган фильм сценарийларининг аксарияти чет эл адиблари томонидан яратилиши ҳам фикримизга мисол бўла олади. Бу сценарийларда айтилаётган фикрларнинг деярли барчаси бир хил бўлиб, уларнинг ҳеч бири бизнинг миллий қадриятларимизни ёритиб бера олмасди. Орзиқиб кутилган миллий истиқлолимиз бизнинг кишанланган қўлларимизни озод қилди, дейилса муболаға бўлмаса керак. Энди бизнинг адибларимиз миллий қадриятларимизни куйлаш, узоқ йиллар давомида қоралаб келинган миллий қаҳрамонларимиз ҳақида бутун дунёга жар солиш, улар ҳақида бадиий фильмлар яратиш имкониятига эга бўлдилар. “Отамдан қолган далалар”, “Амир Темур”, “Абдуллажон” каби бадиий фильмларимиз орқали миллий қадриятларимизнинг гўзаллиги, миллий қаҳрамон-ларимиз ва умуман софдил ўзбек халқимиз аслида қанчалар буюк эканлиги ҳаммага намоиш этилди. Эндиликда давлат фильмлари билан бир қаторда хусусий фильмлар яратиш учун ҳам кенг йўл очиб берилди. “Муҳаббат синовлари”, “Севинч”, “Кўзларинг маъюс” каби хусусий фильмлар фикримизга мисол бўла олади. Бу фильмларда инсондаги энг муқаддас туйғу - муҳаббат куйланади. Хусусий фильмларимизнинг яна бир ютуқли тарафи, авваллари умуман назардан четда қолиб кетган ўзбекчилик, миллий урф-одатларимиз, ота-она ва фарзанд муносабатларининг кўрсатилишидир. Хусусий фильмларнинг кўпайиши ижодкорлар сонининг ортиши улар орасида рақобатнинг кучайиши, ўз навбатида маълум даражада фильмлар савиясининг кўтарилишига олиб келди. Бу эса, жанрларда ранг-барангликни юзага келтиради. Қолаверса, бу фильмларимиз томошабиннинг ёппа-сига кинотеатрларга қайтишига сабаб бўлди. Иш бор жойда камчилик бор бўлгани каби, бугунги кунда хусусий фильмлари-мизнинг ҳам бир қанча камчиликлари сезилмоқда.

Биринчидан, хусусий фильмларимизнинг энг катта муаммоси драматургия билан боғлиқ бўлиб, аксарият ёзилаётган сценарийларнинг салмоғи йўқ. Бу сценарийларда кўтарилаётган муаммолар ҳаёт ҳақиқатига тўғри келмайди. Уларда ёрқин ифодаланган қарама-қарши кучлар йўқ, бор

карама-қаршиликлар ҳам сунъий қурилганлиги билиниб туради. Бундан ташқари, бир жанрдаги сценарий фильмга муваффақият келтирса, сценаристлар айнан шу жанрдаги сценарийларни ёза бошлайдилар. Бу ўз ўрнида бир хил фильмларнинг кўпайишига олиб келади.

Иккинчидан, замонавий хусусий фильмларимизнинг ҳаваскорлик даражасида олинаётганлиги. Бу бир тарафдан ёзилаётган сценарий билан боғлиқ бўлса, иккинчи тарафдан ижодкорларнинг шу каби сценарийларни фильм қилиб яратишга муккасидан кетганлигидир. Бунга асосий сабаб иқтисодий жиҳат десак тўғри бўлади. Сабаби, ҳозирги кунда ижодкор биринчи навбатда ижод ҳақида эмас, балки продюсерлар томонидан сарф қилинган маблағни қоплаш ҳақида қайғуради. Қолаверса, кинони мўмайгина даромад келтирувчи соҳа деб ҳисоблайдиган айрим уддабурон одамлар ўзларини режиссёр сифатида синаб кўришга ҳам жазм қилишяпти.

Учинчидан, адабий тил нормаларига амал қилмаслик муаммоси. Ўйибор берсангиз хусусий фильмларимизда кўпинча адабий тилдан кўра, шева ёхуд кўча тилига урғу берилади. Бу каби ҳолат драматургияга хизмат қиладими, йўқми бу ҳақида ўйлаб ҳам кўрилмайди. Бир қарасангиз қаҳрамон Тошкент шевасида, бир қарасангиз “тоза” Андижон шевасида гапиради. Бу ўз навбатида томошабинни маънавий жиҳатдан тарбиялашдан кўра, онгини заҳарлаш вазифасини ўтайди.

Тўртинчидан, замонамиз қаҳрамони образи яратилма-ганлиги. Бу муаммо ҳақида президент И.А.Каримов ўзининг “Юксак маънавият – енгилмас куч” асарида қуйидагича фикр-ларни билдириб ўтадилар: *“Ёшлар тарбиясига чуқур таъсир кўрсатадиган замонавий қаҳрамон образи киноэкранларимизда ҳали яратилганича йўқ. Сурагга олинаётган аксарият фильм-ларда киночиларимизнинг бугунги куннинг ҳақиқий манзараси, унинг ўткир муаммоларини чуқур ҳис эта олмаслиги, оддий одамлар ҳаётидан узоқлашиб қолгани сезилиб туради.”*³

³ И.А.Каримов. “Юксак маънавият – енгилмас куч”. -Т.: Маънавият. 2008 й. 146-б.

Бешинчидан, оператор ва рассомларнинг ишидаги муаммолар. Операторларимиз ҳам худди режиссёрлар каби, авваллари тўй-ҳашам ёки бир-иккита клип тасвирга туширганига қарамасдан ўзини дарров кинода синаб кўрмоқчи бўлади. Бу операторларда нафақат тажриба, балки назарий билимларнинг борлиги ҳам одамда шубҳа ўйғотади. Рассом эса, кинодаги ўз ролини унутгандек гўё. Рассом режиссёр ва оператор яратмоқчи бўлган фильмнинг муҳитини яратиб беришдек мураккаб вазифани бажаради. Айрим фильмларни ҳисобга олмаганда, деярли бирча хусусий фильмларимизда рассомнинг иши деярли билинмайди. Уларнинг бугунги кинони яратишда бажараётган ишлари фақатгина актёрларга кийим танлаш ва реквизит топишдан иборат бўлиб қолгандек. Буни ҳам ҳаваскорликнинг бир тури деб айтсак нотўғри бўлмаса керак.

Олтинчидан, ёш актёрларимиз ўзлари яратаётган образ-ларнинг характерини тўла тушунмаган ҳолда фильмларда тасвирга тушаверадилар. Уларнинг ижроларини ёмон деб бўлмайди, бироқ ҳар бир актёр бирор фильмда тасвирга тушишга рози бўлишдан аввал, сценарийнинг ўзи билан, қолаверса, ўзи учун ажратилган персонажи билан чуқурроқ қизиқсалар фойдадан ҳоли бўлмас эди.

Бу муаммоларнинг пайдо бўлишига юқорида айтиб ўтилганидек, ҳаваскорлик энг асосий сабаб бўлиб хизмат қилмоқда. Лекин бу муаммоларнинг ҳам ечимлари бор, албатта.

Биринчидан, киноларимизнинг савия даражаси кўтарилиши учун ижодкорларнинг (сценарист, режиссёр, оператор, рассом) билим даражаси юқори бўлишига алоҳида эътибор қаратиш керак. Ҳаваскорлик даражасидаги фильмларни яратаётган бундай ижодкорлар ўз малакаларини оширишлари ва назарий тарафдан керакли билимларни олишлари учун ЎзДСИ таркибида олий курслар ташкил этилиши лозим. Ундан ташқари ёш кадрларни, авваллари бўлгани каби, кино санъати яхши ривожланган мамлакатларга ўқиш учун юбориш зарур.

Иккинчидан, ҳозирда олдинга қадам ташлаш арафасида турган хусусий фильмларимизнинг тўғри йўлдан ривожланиши учун, биздаги каби ривожланиш босқичидан ўтган мамлакат-ларнинг тажрибаларини ўрганиб чиқиш ва улар асосида ривожланишнинг ўзбек моделини яратиш лозим. Бизга маълумки, Голливуд ҳам, Болливуд ҳам бизда бўлгани каби кино саноатида жуда катта мураккабликларга дуч келган. Улар босиб ўтган йўл ва бу ҳолатни тўхтатиш учун қўллаган ечимларини кўриб чиқилса фойдали бўлар эди.

Учинчидан, адабий тил нормалари тўғрисидаги муаммо-ларни ҳал этиш ва умуман ёзилаётган сценарийларнинг ҳаваскорлик даражасида эмаслигини назорат қилиш учун маълум гуруҳлар, гильдиялар ташкил этиш керак. Бу гуруҳларда сценарий ёзиш маҳорати юқори даражада бўлган ижодкорлар вакиллик қилсалар ва кўриб чиқилаётган сценарийларда қай даражада адабий тил нормаларига эътибор берилганини назорат остига олсалар, балки, ҳозирги кунда мавжуд бу муаммоларга ечим бўлиши мумкиндир.

Тўртинчидан, бугунги кун қаҳрамонини яратишда, биз аввало, бугунги кунимиздаги маълум муаммоларни тўғри таҳлил қилишимиз, атрофимизда содир бўлаётган воқеаларни идрок этишимиз лозим. Фильмларимиз савиясининг ошиши учун хизмат қилувчи бу омиллар давримиз қаҳрамонини яратишда ҳам ўз ўрнига эга. Сабаби, ҳозирги хусусий фильмларимизда кўрсатилаётган ёшлар, қаҳрамонлар идеаллик даражасидан анча узоқдалар. Бу қаҳрамонларнинг кўриниши, ўзини тутиши, даврга бўлган муносабати, ҳаётни тушуниши бизнинг ёш авлодга ўрناк бўла олмайди. Демак, бу муаммога ҳам профессионализмни даво деб айтишимиз мумкин.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, барча муаммоларнинг ечими-ҳаваскорликдан профессионализмга ўтиш эканлиги кундай равшан бўлиб қолди. Тўғри, вақт ўтиши билан бизнинг кино санъатимиз ҳам худди инсон организми каби ўзидаги бундай иллатларни бартараф этиш учун иммунитет ҳосил қилади. Лекин, бу анча вақт талаб қилади. Қолаверса, узоқ вақт

касалликка қарши курашмаган организм нақадар заифлашиб кетишини яхши биласиз. Демак, кино санъатимизда ҳам шундай заифликлар пайдо бўлмаслиги учун биз қўл қовуштириб ўтирмасдан мавжуд долзарб муаммоларнинг ечимларини топишимиз шарт ва биз ишонамизки, бу муаммолар жуда тез фурсатларда ўзининг тўғри ечимини топа олади. Бунинг учун биз ёшлар масъулликни ўз бўйнимизга олмоғимиз даркор..

1.3. Хужжатли кинода фильм-портрет жанри

Фильм-портрет – бу хужжатли кионинг жанрларидан бири бўлиб, унда қахрамон ўзи ўзини ўйнайди, бошқача қилиб айтганда у умуман роль ўйнамайди, аксинча ҳаётда қандай бўлса, экранда ҳам шундай яшайди.

Фильм-портрет – бу оддий инсон ҳақида экранда илиқ ва мулоҳазали ҳикоя қилиш демакдир. Бу шунчаки расмийчилик эмас, шунчаки резюме ёки автобиография эмас. Фильм-портрет аввало орамиздаги оддий инсон, кўпинча эса оддий инсонларнинг бири бўлиб кўринган лекин аслида жуда кучли матонат, сабр-тоқат, шижоат, бағрикенглик, саҳоват ва меҳр туйғулари эгаси бўлган ҳақиқий қахрамон ҳақида ҳикоя қилишга уринишдир.

Фильм қахрамонлари санъат кишиси, фан вакили, сиёсатчи ёки тамомила оддий инсон бўлиши ҳам мумкин.

Ҳаётда иккита бир ҳил инсон бўлмайди, бироқ инсонларнинг характерлари ўхшаш бўлиши, ташқи кўринишлари ҳам ўхшаш, муаммолари ва дунёга қарашлари ҳам ўхшаш бўлиши мумкин, лекин улар барибир қайсидир маънода бошқачадирлар. Бундай фильмларни яратишда муаллифлар олдида турган асосий вазифа фильм қахрамонларининг юзларидаги ниқобларини очишдир. Оддий қаралганда шунчаки ишчи, бошлиқ, йўловчи, футбол ишқибози аслида ким ўзи деган саволга жавоб топа билиш зарур. Гапирганда осон албатта, лекин фильмни яратишдачи... агар фильм-портрет қахрамони “ичимдагини топ” деганларидан чиқиб қолсачи, ёки жуда тортинчоқ, уятчанг бўлса бу ерда режиссёрнинг катта тажрибасию психологик қобилятигина ёрдам бериши мумкин. Фильм-портрет – бу

қахрамоннинг қалб туғёнларини, дил аламларини, ширин хотиралар ва катта орзуларини ҳамдардлик билан тинглаш ва уни “ёрилиш”га мажбур қилишдир.

Қахрамон камера қаршисида ўтирар экан албатта режиссёр томонидан олдиндан айтиб ўтилган мавзулар атрофида сўз юритишга интилади. Бу ҳолат чин юракдан бўлса яхши, аммо қахрамон фақат режиссёр сўрагани учунгина ўз ҳаётидан мамнунлигини айтса ёки ўз устахонасида мажбуриятдан ишлаб ўтирса, у ҳолда бундай фильм тамомила қалбаки бўлади.

Режиссёрнинг маҳорати шунда кўринадикки, у қахрамонга эркинлик беради, у ўзи истаган нарсани айтиши, хохламаса ўша куни умуман тасвирга тушмасликка имкон беради. Режиссёр қахрамон билан суҳбатда шундай саволлар ёки фикрларни билдириб туриши, уни руҳий тайёрлаши керакки, токи қахрамонни хотирлашга, ўтмишидаги кунлари, ҳаёти ҳақида беихтиёр мушохада қилишга мажбур қилиши лозим.

Германиялик кинорежиссёр, хужжатли кино режиссёри Гереон Ветцель ўз маърузаларидан бирида шундай деганди: “...Энг ёмон хужжатли фильм бу ташкиллаштирилган фильмдир, ундан ҳам ёмонроғи агар у сахналаштирилган бўлса...”⁴ У ўз маърузасида фильм-портретлар яратиш мавзусига асосий эътиборини қаратган ва агар фильм ҳақиқий, тирик бўлишини истасангиз, у ҳолда қахрамонингиз билан бир ой яшаб ана ундан кейин фильмни тасвирга олишга киришинг деб маслаҳат берган эди йиғилганларга. Агар бунга вақтингиз бўлмаса қахрамон қандай яшаса, қандай ишласа шундай тасвирга олаверинг. Фильмингизнинг якуний ғоясини йўл-йўлакай топиб олишингизга умид бор! деганди у.

Ҳақиқатдан ҳам тасвирга олиш гуруҳи фильм қахрамони учун ҳақиқий дўстлар, ҳамдардлар, ҳамкасбларга, сирдошларга айланиши лозим. Ана

⁴ Г.Ветцель, “Ташкиллаштирилмаган хужжатли фильм” мастер-класс маърузасидан. Гёте институти, Тошкент. 2007 й.

шундагина қахрамон уларга қалб тубидаги сирларини ишониб очиши мумкин.

Ўзбекистон хужжатли ва илмий-оммабоп фильмлар киностудияси ҳамда Миллий Телерадиокомпаниянинг телеканаллари томонидан бир неча юзлаб фильм-портретлар, портрет-кўрсатувлар яратилган. Улар ҳам ўз навбатида турли сифатлидир.

Тошкент телеканалидан эфирга узатиладиган “Тошкент оқшомлари” кўрсатуви ҳам, айтиш мумкинки, ана шундай портретларни “чизадиган” кўрсатувлардан биридир. Муаллиф ва бошловчи Севдо Ниёзова қахрамонларга ўзининг шундай кутилмаган саволларни берадики, натижада кўрсатув қахрамонлари камера олдида ўтирганларини ҳам унутиб айтилган савол юзасидан баҳсга киришиб кетадилар. Саволларнинг бундай таъсирчан бўлишига муаллифнинг қахрамон ҳаётини шу қадар яхши ўрганиб чиққанлигидан ва хатто кўрсатув қахрамонининг ўзи ҳам унутиб юборган ёки юбораёзган ҳаётини воқеаларни қидириб топишидандир.

2-БОБ. “АКАДЕМИК ТЕЛЬМАН ДАДАЕВИЧ” ФИЛЬМИНИ СУРАТГА ОЛИШ ЖАРАЁНИ.

2.1. “Академик Тельман Дадаевич” ҳужжатли фильм сценарийси устида ишлаш.

Мен “Кинотелеоператорлик” бўлими битирувчи 4-курс талабаси Хайтматов Аббос Боҳодир ўғли Ўзбекистон Миллий Телерадиокомпанияси “Ma`naviyat va ma`rifat” telekanali DUK катта муҳаррири Г.Т.Ибрагимова бадий ва илмий раҳбарлигида остида ушбу бўлимни тугатмоқдаман ва битирув малакавий иши сифатида “Академик Тельман Дадаевич” деб номланган ҳужжатли фильм-портретни (19 дақиқадан иборат) топширмоқдаман. Бу фильм-портретни мен курсдошим Аҳмедов Ғолибжон Муҳаммад ўғли билан ҳамкорликда яратганмиз ва иккаламиз ҳам оператор сифатида иш олиб борганмиз.

Ушбу ҳужжатли фильм ҳақида қисқача маълумот берадиган бўлсам, бу фильм физик олим, академик Раджабов Тельман Дадаевичнинг ҳаёт ва илмий-иждо йўлига бағишланган.

Раджабов Тельман Дадаевич (1935.15.8, Самарканд) – физик олим, Ўзбекистон Фанлар Академияси академиги (1995), физика-математика фанлари доктори (1982), профессор (1983). Бауман номидаги Москва олий техника билим юртини тугатган (1959). Ўзбекистон Фанлар Академияси Ядро физикаси институтида муҳандис, кичик илмий ҳодим (1959-65), Физика-техника институтида (1969 йилдан Электроника институти) бош муҳандис, катта илмий ҳодим, лаборатория мудири (1966-86), Илмий асбобсозлик марказий лойиҳалаш-конструкторлик бюроси директори (1986–92), Тошкент ахборот технологиялар университети (олдинги Тошкент электротехника алоқа институти) ректори (1992-98), шу университет қошидаги Марказий Осиё телекоммуникациялар ўқув маркази директори (1998-2001), шу университетда кафедра мудири (1999 йилдан). Илмий ишлари элементар зарралар физикаси, вакуум техникаси ва физикаси, плазма

физикаси, космик кемалар ва йўлдошларни фаол электростатик муҳофазалаш, коррозияга қарши қопламалар олиш ва махсус ион манбалари яратиш, турли материаллар ва қопламалар сиртини физик-кимёвий модификациялаш масалалари ва бошқаларга доир. Т.Д.Раджабов раҳбарлигида халқ хўжалиги эҳтиёжлари, хусусан мева ва сабзавотларни вакуумда сублимацион усулда қуриштириш, биологик препаратларни лиофил усулда қуриштириш ва бошқалар учун саноат қурилмалари яратилди. «Меҳнат шухрати» ордени билан мукофотланган (2003).

Мазкур иш битирув малакавий ишнинг ҳужжат қисмларини бакалавр даражасини олиш учун тайёрланадиган Битирув малакавий ишларга қўйиладиган барча талаблар асосида, белгиланган меъёрий ҳужжатларга тўла мос равишда тайёрлашга ҳаракат қилганман. Ишнинг сифати ва меъёрларга мослигини кафедра мудири ҳамда битирув малакавий ишлар бўйича илмий раҳбарим Г.Т.Ибрагимова назорат қилган. Ишни тайёрлашим, БМИнинг амалий қисми бўлган фильмни суратга олишим жараёнида ҳам тегишли маслаҳатлар, йўл-йўриқлар бериб турдилар. Жумладан, фильм-портретни тасвирга олишда, Академик Тельман Дадаевичнинг иш кабинетларида, илмий-тадқиқот лабораториясида, дўстлари даврасида суратга олишда ҳар бир кадрни ўзининг индивидуал ва оригинал тасвирий ечими ва композицияси, ўз ритмига эга бўлиши, шу билан бирга у фильмнинг умумий ритми ва композициясига мос келиши ва уни бойитиши лозимлиги, бир сўз билан айтганда бадиийлик учун хизмат қилиши лозимлиги ҳақида маслаҳатлар бериб бордилар.

“Академик Тельман Дадаевич” фильмини яратиш ғояси “Телестудия тизимлари ва иловалари” кафедраси мудири, устозимиз Б.Базарбаевга тегишли. 2015 йилда Тошкент Ахборот технологиялари университетининг 60 йиллик юбилеи бўлиб ўтиши, қолаверса Мухтарам президентимиз томонидан 2015 йилни “Кексаларни эъзозлаш йили” деб эълон қилинганлиги муносабати билан алоқа соҳасида фаолият юритган меҳнат фахрийлари

хақида фильм-портретлар яратиб, уларга иззат-икром кўрсатиш, уларнинг ўз умрларини баҳшида қилган соҳалари томонидан уларга ҳам эътибор кўрсатиш бугунги кунда долзарб масалалардан бири бўлиб турибди. Фильмнинг сценарийси муаллифи эса кафедра мудир Б.Базарбаев, катта ўқитувчи Э.Хасановалардир. Сценарий устида ишлашда фильмимиз қахрамонининг ҳаёти ва илмий йўли атрофлича ўрганиб чиқилди.

2.2. Фильмни тасвирга олиш ишларига тайёрларлик жараёни.

Якуний кўринишдаги сценарий битганидан сўнг, унга асосан фильмнинг тасвирга олиш режаси тайёрланди. Тасвирга олиш кунлари аниқланди. Фильмда интервью олиш режалаштирилган соҳа мутахассислари билан алоқалар ўрнатилиб мавзу юзасидан ҳамда тасвирга олиш кунларини белгилаш борасида келишилди. Тасвирга олишда фойдаланиладиган техник воситаларга буюртмалар тайёрланди ва назоратдан ўтказилди.

Фильм қахрамони Академик Тельман Дадаевич билан фильмда қўлланилиши мумкин бўлган фотосуратларни, видеоматериалларни, архив материалларини кўриб чиқдик. Қайси материаллардан фойдаланиш лозимлигини ўзимиз учун белгилаб қўйдик.

Фильм сценарийсига асосан академикнинг университетдаги ҳамкасблари, “Академасбоб” илмий ишлаб чиқариш бирлашмасидаги ҳамкасблари, дўстлари ва шогирдларидан интервьюлар олиш режалаштирилди. Шу билан бирга академикнинг хонадони, хонадондаги ишчи кабинети, кутубхонасидаги иш фаолияти, шогирдлари билан учрашувларини тасвирга олишни режалаштирдик.

Тайёргарликнинг жараёнининг муҳим жихатларидан бири бу тасвирга олиш техникаларини ва бошқа қўшимча техник асбоб-ускуналарни танлаш жараёнидир. Чунки, операторнинг ижодий ишини ҳам, муҳаррир ва режиссёрнинг ғоясини ҳам айнан техник воситалар орқали экранга узатилади. Техник воситаларнинг созлиги ва сифатида кўрсатувнинг томошабинга тўлиқ етиб боришидаги асосий омиллардан бири хисобланади.

Фильмни суратга олишда қўйидаги операторлик ускуналаридан фойдаланилди:

1 – табица

№	Ускуналар номи	Қаердан олинган	Миқдори
1.	Sony VG-30 рақамли видеокамераси	Хусусий студия	1 дона
2.	Canon 550D рақамли фотоаппарати	Хусусий студия	1 дона
3.	Libec видеоштативи	Хусусий студия	1 дона
4.	LED элементли камера усти ёритиш ускунаси (5600K/3200K)	Хусусий студия	2 дона
5.	Ёруғлик қайтаргичлар	Хусусий студия	2 дона
6.	ЕСМ-77ВС петличный микрофони	Хусусий студия	1 дона

2.3. Тасвирга олиш (ишлаб чиқариш) жараёни.

Тасвирга олиш ишларини биринчи куни

Академик Тельман Дадаевичнинг хаёти ва илмий фаолиятига бағишланган ҳужжатли фильмни, аниқроғи фильм портретни тасвирга олиш ишларини 2015 йил 8-май кунига Тошкент Ахборот технологиялари университетининг катта тадбирлар залида алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация соҳаларида кўп йиллар меҳнат қилган меҳнат фахрийлари, устоз профессор-ўқитувчиларга 9-май – “Ҳотира ва кдрлаш куни” муносабати билан ҳамда 2015 йил – “Кексаларни эъзозлаш йили” муносабати билан ўтказилаётган байрам тадбири ўтказилган санага белгилаганмиз.

Бизнинг қахрамонимиз Академик Тельман Дадаевич ҳам мана шу тадбирда ўзининг алоқа соҳасига қўшган улкан ҳиссаси учун университет раҳбарияти томонидан тақдирлашини режалаштирилган эди ва албатта, биз ҳам бу кадрларни фильмнинг финал саҳналари учун тасвирга олишни мақсад қилиб қўйдик.

Тақдирлаш маросими ва тадбир бошланишига икки соатча вақт бўлганлиги учун фильмни тасвирга олиш ишларини академикнинг кабинетидан бошлашга қарор қилдик.

Фильмнинг биринчи куни бўлганлиги учун ишни асосан фильмнинг унча мураккаб бўлмаган қисмларини тасвирга олишдан бошладик. Бунинг учун Тошкент Ахборот технологиялари университетида Академик Тельман Дадаевич Раджабовнинг иш кабинетлари томон йўл одик. Бу ера тасвирга олишимиз лозим бўлган кадрлар Академикни ўз иш кабинетида кундалик иш жараёнида, ҳамкасблари билан бирор илмий масала юзасидан суҳбатлашаётган пайтидаги тасвирлар эди. Бу кадрлар асосан фильм портретни тасвирий жиҳатдан бойитиш ва монтаж жараёнида қулайлик туғдиришини учун перебивка кадрлар сифатида хизмат қилади.

Бундан ташқари, академикнинг ҳамкасбларидан бири доцент Р.Ибраимовдан академик ҳақидаги фикрларини, академикнинг ўзидан ўзи ҳақида ололмаган маълумотларимизни олиш, фильмни маълумотлар билан бойитиш эди.

Одатда зиёли инсонлар, улар қанчалик буюк ишларни амалга оширган бўлишмасин, кўпинча ўз ютуқлари билан мақтанишни исташмайди. Бизнинг қахрамонимсиз Тельман Дадаевич ҳам ана шунақа камтар, “ичимдагини топ” деган шахслардан экан. Шунинг учун ҳам биз кўпроқ у ҳақидаги маълумотларни унинг ҳамкасблари ва дўстларидан, унинг атрофидаги ходимлар ва олимлардан, шогирдларидан олишга ҳаракат қилдик.


Академик Тельман Дадаевичда камтарлик ва тортинчоқлик каби хусусиятлари бор эканки, унинг оиласи ҳақида, ютуқлари ҳақида ҳам фильмда ёритишимизга унчалик розилик бермади.

Кабинетдаги тасвирга олиш ишларини академикнинг шунчаки ўз ҳамкасблари билан суҳбатлашиб, кундалик ишлари билан машғул бўлаётган кадрларни олишдан бошладик.



1-расм. Академик иш устида.

Кадрларни тасвирга олишда хонага ойнадан тушиб турган табиий ёруғлик ва хонага ўрнатилган ёруғлик манбаи – люминисцент лампанинг ранг ҳарорати бир ҳил 5600К бўлганлиги боис биз ҳар иккала ёруғлик манбаидан ҳам фойдаландик. Бундан ташқари объектимизнинг фони жуда ёрқин бўлганлиги боис унинг юзи ҳам кадрда яхши кўриниши учун LED-элементли 5600К ранг ҳароратига эга бўлган камера усти ёритиш ускунасидан фойдаландик (1-расм). Ёруғлик ранг ҳароратига мос равишда камера ранг ҳарорати ҳам 5600К га мосланди.



1-схема. Кабинетдаги ёритиш схемаси.

Кадрларни тасвирга олишда имкони борича бўлаётган жараёнга таъсир кўрсатмасликка, суҳбатдошларни чалғитмасликка, жараён тўлалигича табиий чиқишига ҳаракат қилдик.



2-расм. Доцент Р.Ибраимовдан интервью олиш жараёни.

“Кабинет” объектидаги кейинги кадрларимиз доцент Р.Ибраимовдан интервью олиш бўлди. Интервьюни тасвирга туширишда ҳам худди биринчи кадрлардагидек ёритиш схемасидан фойдаланилди (2-расм).

Интервью кадрларини тасвирга олишда штативдан фойдаланилган. Овозлар ЕСМ-77ВС петляли радиомикрофони ёрдамида ёзилди.

Бу ердаги тасвирга олиш ишларимиз якуниланганидан сўнг бошқа интервьюларни ҳам тасвирга олишга киришдик. Навбатдаги интервьюни академикнинг қўлида таҳсил олган талабаларидан бири, ҳозирда “Телевизион технологиялар” факултетининг “Телестудия тизимлари ва иловалари” кафедрасида ассистент лавозимида фаолият кўрсатаётган Насиба Сабуровадан олдик.

Интервьюлар кадрларини бир хил бўлиб қолишидан қочиш ва фильмга бир оз жонлилик баҳш этиш мақсадида бу интервьюни бевосита университет фойёсида тасвирга туширдик.



*3-расм. “Телестудия тизимлари ва иловалари” кафедраси ассистенти
Насиба Сабуровадан интервью олиш жараёни.*

Овозлар ЕСМ-77ВС петляли радиомикрофони ёрдамида ёзилганлиги учун ҳам биз бемалол интервьюни одам гавжум жойда тасвирга олдик. Чунки, ЕСМ-77ВС петляли радиомикрофони фақат интервью берувчининг овозинигина ёзиб олишга имкон беради. Бу ҳол бизга кадрларда ички динамикани кўтаришга, фильмнинг ритмини фаоллаштиришга шароит яратиб берди. Интервью кадрларини тасвирга олишда Sony VG-30 рақамли видеокамерасидан ва Libec штативдан фойдаланилган. Ёритиш ускунасидан фойдаланилмаган.

Биз бу фильмни курсдошим Аҳмедов Ғолибжон билан иккита оператор бўлиб тасвирга олаётганлигимиз бир томондан бир-биримизга ёрдам беришдек қулайликни яратса, бошқа томондан биз олган кадрлар фильмнинг умумий стилистикасига мос тушиши ва яққол фарқланиб қолиши керак эмаслиги учун бир оз мураккабликлар туғдирди.

Шуни таъкидлашим керакки биз ҳаммуаллиф курсдошим Аҳмедов Ғолибжон билан ҳар бир кадрнинг тасвирий ечимини биргаликда, ўзаро маслаҳатлашган ҳолда хал қилдик. Фильмни тасвирга олишга тайёргарлик жараёнидан тортиб то монтаждан чиққунига қадар ҳам биргаликда ижод қилдик. Бир объектнинг ўзида ҳам тасвирга олиш ишларида бир кадрни

А.Хайтматов олган бўлса, бошқасини мен тасвирга олдим. Айтмоқчиманки, бу фильмдаги эпизодларни бу қисмини бир оператор ва бошқа қисмини бошқаси тасвирга олган деб ажратиш мумкул.

9-май – “Ҳотира ва қадрлаш куни”га бағишланган тадбирлар бошланишига саноқли дақиқалар қолганлиги учун ускуналарни кўтариб катта тадбирлар залига шошилдик.

Тантаналар залида ҳали табир бошланмаган, лекин зл қатнашчилар билан тўлган эди. Тадбир бошлангунигача ана шу тадбирга йиғилган соҳа ветеранларини, кексаларни кейинчалик фильмнинг монтаж жараёнида фойдаланиш учун уларнинг йирик планларини бирма-бир тасвирга ола бошладим. Албатта, фильмимиз қаҳрамони Тельман Дадаевични ҳам бир неча турли планларда тасвирга олдим.



4-расм. Академик Т.Раджабов тантаналар залида.

Тадбир бошланиб илк сўз Университет ректори Х.А.Мухитдиновга берилди. Ректор жаноблари йиғилганларни 9-май – “Ҳотира ва қадрлаш куни” ва 2015-йил – “Кексаларни эъзозлаш йили” муносабати билан алоқа соҳаси ветеранларини табриклаб уларга буюк меҳнатлари учун ташаккурномалар ва эсталик совғалар тақдим этди.

Мен ҳам минбарга яқин ва қулай жойга жойлашиб ректорнинг табрик матнларини ва тақдирлаш маросимини бу видеокадрлар фильмдан ташқари университетнинг видеофотоархиви ва Академикнинг шахсий архиви учун ҳам керак бўлганлиги боис ҳам бирор воқеани назардан четда қолдирмай тасвирга туширдим.

Тадбирни тасвирга олишда штативдан фойдаланганман. Айрим жойларда вазиятдан келиб чиқиб қўлда ҳам тасвирга олганман.



5-расм. Академик Т.Раджабов ТАТУ ректори Х.А.Мухитдинов қўлидан “Ташаккурнома”ни қабул қилиб олмоқда.

Тадбир ўз якунига етди. Биз ҳам Академик билан кейинги тасвирга олиш кунигача ҳайрлашдик.

Режамиз бўйича бу кунга яна бир интервью режалаштирилган эди. Бу ҳам бўлса Тельман Дадаевичнинг яна бир шогирдларидан, ҳамкасбларидан бири “МАТ” кафедраси катта ўқитувчиси М.Султонованинг интервьюси эди.

Интервью кадрларимизни катта ўқитувчи М.Мултонованинг таклифи билан ўқув лабораторияларидан бирида давом эттирдик.

Лабораториянинг ойналари камлиги учун у ердаги ёритилиш ҳолати яхши эмас эди. Шунинг учун бу ерда қўшимча ёритиш воситаларидан, яъни

LED-элементи ранг харорати 5600K бўлган камера усти ёритиш ускунасидан фойдаланилди. Овозлар эса ЕСМ-77ВС петляли радиомикрофони ёрдамида ёзилди.



6-расм. “МАТ” кафедраси катта ўқитувчиси М.Султонованинг интервьюси

Гарчи ёритиш ускунаси камера устига ўрнаштиришга мўлжалланган бўлсада. Ҳамма тасвирга олиш ишларида биз у ёритиш ускунасидан уни қўлда тутиб турган ҳолатда фойдаландик.

Тасвирга олиш ишларини иккинчи куни

Тасвирга олишнинг иккинчи кунини Академик Тельман Дадаевич илмий тадқиқотлар олиб борадиган маскан – “Академасбоб” Илмий ишлаб чиқариш бирлашмасидан бошладик.

“Академасбоб” Илмий ишлаб чиқариш бирлашмасидаги кадрларни ҳам худди академикнинг кабинетларида бўлгани каби иш жараёнларини, унинг ҳамкасблари билан муайян ихтиролар, илмий ишлар юзасидан маслахатлашаётган пайтларини суратга туширишдан бошладик.




7-расм. Академик Тельман Дадаевич ҳамкасби А.Камардин билан.

“Академасбоб” ИИЧБ кўп йилларан буён фаолият кўрсатиб халқ хўжалиги учун зарур бўлган техник ускуналар, аппаратлар, мосламалар, юир сўз билан айтганда фойдали кашфиётлар устида иш олиб боришар экан.

Бу илмий тақиқот лабораториясидаги тасвирга олиш чоғида Sony VG-30 видеокамерасидан, штатив ва “Заря” типидagi 2 та Френель линзали ёритиш ускунасидан фойдаландик. Бу ёритиш ускунасининг ранг ҳарорати 3200K бўлгани ва ташқаридан лаборатория хонаси бўйлаб тушаётган табиий ёруғликнинг ранг ҳарорат кўрсаткичи 5600K бўлгани учун ёритиш ускуналари олдида компенсацияловчи филтрларни ўрнатдик, бироқ филтрлар кўп вақтдан бериш ишлаб ўз сифатини йўқотгани учун ҳам керакли балансни таъминлаб бера олмади, бизнингча.

Лабораторияда кечаётган воқеа ва суҳбатларни четдан туриб, вазиятга ҳалақит бермасликка ҳаракат қилиб тасвирга туширдик. Суҳбат шунчалик қизиқ кетдики, хатто Академик бир муддат бизнинг тасвирга олаётганимизни ҳам унутиб қўйди.

Академикнинг ҳамкасбларидан у тўғрисида янги маълумотлар олиш учун интервью олишга киришдик.



8-расм. Ихтирочи А. Симоновдан интервью олиш жараёни.

Ихтирочи А. Симоновдан интервью олар эканмиз, ватанимизда қандай янгидан-янги ихтиролар устида ишлар олиб борилаётганлигини билимб олдик. Сухбат давомида анъанага кўра Академик Тельман Дадаевич ва унинг олим сифатида, раҳбар сифатида ва шахс сифатида ўзига ҳос хусусиятлари ҳақида сўрадик.

Интервьюни тасвирга олишда лабораторияга тушиб турган табиий ёруғлик ҳамда ранг ҳарорати табиий ёруғликка мос келувчи камера усти ёритиш ускунасидан фойдаландик. Видеотасвирлар Sony VG-30 камерасига тасвирга олинган. Фильмдаги деярли ҳамма интервьюларни ёзиб олишда ЕСМ-77ВС петляли радиомикрофонидан фойдаланилган. Кадрнинг ранг ҳарорати 5600К ни ташкил этади.


Павел Степановдан интервью олиш жараёнида биз уни турли ракурс ва планлардан туриб тасвирга туширишга муваффақ бўлдик. Бу эса монтажа эркинроқ ишлашга имконият яратади.

Павел Степановнинг берган қимматли маълумотларини тасвирий жиҳатдан тўлдириш учун эса бошқарма томонидан ихтиро қилинган ускуна ва воситаларни, техник қурилмаларни, турли ўлчаш-ҳисоблаш ускуналари,

бошқарманинг фаолиятдан ҳикоя қилувчи турли реклама тахталари ва стендларни ҳам тасвирга олдик.



9-расм. Амперметр қурилмаси.



10-расм. “Академасбоб” ИИЧБнинг стенди.

Тасвирга олиш ишларининг учинчи куни.

Тасвирга олиш ишларининг учинчи кунини ҳам Академик Тельман Дадаевичнинг иш кабинетидан бошладик. Гап шундаки, тасвирга олиш ишларининг биринчи кунда ҳам бу ерга келган бўлсакда, у кунни вақтимиз

чегараланганлиги, тадбир белгиланганлиги ва бир нечта интервьюларни олишгагина вақтимиз етганлиги учун ишни тўхтатган эдик. Бу тасвирга олиш кунида эса биз энди бевосита академикнинг шахсан ўзидан интервью олишимиз лозим.



11-расм. Тельман Дадаевич билан суҳбат жараёни.

Ўтган галги шароитдан фарқли равишда, бугун, тасвирга олишнинг учинчи кунида биз ёритиш воситаларидан фойдаландик. Бу вазиятда (11-расмда) объектимизнинг орқа томонидан тушаётган нур бевосита контур ёруғлиги вазифасини бажарган бўлса, иккинчи ёритиш ускунаси камерадан ўнг томондан объектга қаратиб асосий чизувчи сифатида қўйилган. Бу жараёнда ҳам биз тежамкор LED-элементли ёритиш ускунасидан фойдаланганмиз. Албатта ёритиш ускунасининг кадрда кўриниб турган нурларидан унинг қандай ёритиш ускунаси эканлигини ажратиб олиш қийин. Бу вазиятда бир бу камера усти ёритиш ускунасининг ёруғлик ҳароратини ўзгартирувчи махсус фильтридан фойдаланиб ҳонадаги ёруғлик ҳароратини 3200K га мосладик.

Овозларни AKG динамик микрофони ёрдамида ёзилди.

Академик Тельман Дадаевич ўз ҳаёти ва фаолияти билан бизларни таништирар экан, у ҳар бир фикр мулоҳазаларини мисоллар билан, эсталик

фотографиялар, диплом ва сертификатлар орқали билдирди. Ҳар бир қилган илмий ишлари, илмий ихтиролари ҳақида батафсил деталлари билан сўзлаб беришга ҳаракат қилди. Биз ҳам ўзимизни кўпроқ қизиқтирган масалаларга унинг муносабатини билиш мақсадида саволлар бердик.



12-расм. Тельман Дадаевични тасвирга олиш иш жараёнимиз. Бу вазиятда Ғ.Аҳмедов ёритиш ускунаси ва А.Хайтматов видеокамера билан.

Бу объектда тасвирга олиш ишлари тугаганидан сўнг академикни Университет ҳовлисида суҳбатга тортишимиз лозим эди. Бу ерда берилиши лозим бўлган саволлар аввалдан аниқ белгилаб олинган эди. Шунинг учун ҳам Тельман акага даб-дурустдан саволларни ёғдира бошладик. Бундай қилишимиздан мақсад айнан шундай пайтларда инсон беихтиёр ҳақиқатни сўзлай бошлайди. Ўзини назорат қилишни ёддан чиқариб асосий эътиборини саволга жавоб беришга қаратади. Бундан ташқари ёлгон ёки нотўғри маълумотларни аралаштириш билан саволлар бериш ҳам яхши самара беради. Чунки бу вазиятда интервью берувчи инсон ўзини назорат қилишни унутиб нотўғри маълумотни тўғрилашга, бу ҳақда тушунарли ва батафсилроқ айтиб беришга интилади.



*13-расм. Тельман Дадаевичдан интервью олиш жараёни.
Камера олдида А.Хайтматов.*

Бу интервьюни тасвирга олишда видеокамера, штатив ва петличный микрофондан фойдаланганмиз. Ёруғлик манбаи сифатида табиий қуёш нуридан фойдаланганмиз. Тасвирга олиш ишларини ташкиллаштиришда Б.Ж.Базарбаев, ва интервьюлар саволларини беришда бизнинг курс раҳбаримиз, “Кинотелеоператорлик маҳорати” фани ўқитувчиси Д.Б.Баймухаммедова бизга ёрдам бердилар.

Университет ховлисидаги суҳбатни тасвирга олиб тугатдик. Фильмни янада тасвирий жихатдан бойитиш учун, қолаверса Академик Тельман Дадаевич олим, кашфиётчиликдан ташқари яна устоз ва муаллим эканлигини назара тутган ҳолда уни албатта ёшларга ўз билимларини ўргатаётган жараёнларини фильмда кўрсатишимиз шарт эди. Шунинг учун Устоздан илтимос қилиб у кишини аудиторияда ҳам тасвирга олишга киришдик.

Дарс жараёнини тасвирга олиш учун Университет асосий биносининг иккинчи қаватида жойлашган аудиториялардан бирига кирдик. Аудиториянинг ёритилганлик даражаси жуда яхши эди.

Аудиторияда магистратура бўлими талабалари дарсга тайёргарлик кўриб ўтиришган экан. Биз вазиятдан унумли фойдаланиб қолиш учун дарс жараёнини саҳналаштирдик.



14-расм. Тельман Дадаевич дарс жараёнида.

Бу объектда биз режага асосан умумий, ўрта ва йирик планларни тасвирга олдик. Юқорида айтиб ўтилганидек бу кадрларни кейинчалик монтаж жараёнида керакли фраза ёки кадрни олиш қулай бўлиши учун кадрлар узмасан олинган. Тасвирга олишда камеранинг ранг ҳарорати $T_{\text{ранг}} = 5600 \text{ K}$ ҳароратга мосланди. Тасвирга олишда штативдан фойдаланилган. Шу кадр билан тасвирга олиш ишларининг учинчи куни ҳам якунига етди.

Тўртинчи кун.

Академик Тельман Дадаевич жуда камсуқум ва камтарин характерга эга бўлган оддий инсон бўлгани учун ҳам, юқорида ҳам айтиб ўтганимиздек, ундан гап олиш жуда мураккаб бўлди. Хужжатли фильм сценариймиз бўйича биз яна унинг оиласи, набиралари даврасида ҳам тасвирга олишни режалаштирган эдик. Лекин у киши бунга руҳсат бермадилар.

Бу кадрларсиз фильм портретнинг образи тўлиқлигича очилмай қолади. Бу масала юилан кафедра мудиримиз Батыр Базарбаевга учрашганимизда у киши “бу қулфга менда бир калит бор...” дедилар маъноли қилиб. Кейин эса

Тельман Дадаевичнинг болаликдан бери алоқасини узмаган қадрдон дўсти борлигини ва ана шу инсоннинг уйида тасвирга олиш ишларини режалаштирсакгина унинг инсон сифатидаги қирраларини кўришимиз мумкинлигини айтди. Бу инсон машхур ўзбек адиби Ойбекнинг ўғли Бек ака эканлар. Бу маълумотларни Батыр ака қаердан билишларини сўраганимизда улар Бек Ойбекович билан у ҳам қадрдонлар эканлигини айтиб қолдилар. Ҳа, иш жараёнида шу каби қизиқарли фактларнинг очилиши бизни янада руҳлантирди.

Эртаси куни тонгда биз Тельман Дадаевичга қўнғироқ қилиб тасвирга олиш ишларини Бек Ойбековичнинг дала ҳовлиларида олишни режалаштирганимизни ва бунга унинг муносабатини сўрадик. У киши бу таклифдан хайрон қолганини яширмади ва ҳақиқий ҳужжатли кино устаси эканликларингизга энди ишончим ортди дея бизга баҳо бердилар.



15-расм. Академик Тельман Дадаевич, Бек Айбекович ва кафедра мудири Батыр Жоласович.

Бу объектдаги тасвирга олиш ишларимиз жуда эркин ва яхши кайфиятда ўтди. Очигини айтганда фильмимиз қахрамонини бундай очиқ чехра ва кувноқ кайфиятда биринчи бор кўришимиз эди. Айнан мана шу вазиятда

маҳоратли оператор бўлишнинг ўзи яхши фильмлар яратиш учун етарли эмаслигини, ҳар бир қалб эшигини оча биладиган маҳорат эгаси ҳам бўлиш лозимлигини тушундим. Кафедра мудиримиз Батыр аканинг маҳоратли оператор, режиссёр эканлигини билардим, аммо бу қадар инсон кўнглини оча билиш маҳоратларини билмагандим.

Биз қахрамонимизнинг кўзларида болаларча севинчни кузатдик. Улар ўз хотираларига берилиб илдан суҳбат куришиб бизнинг борлигимизни ҳам бир муддат унутишди. Вазиятан фойдаланиб портрет кадрларни абадиятга муҳрладик.



16-расм. Академик Тельман Дадаевич кадрда.

Тасвирга олиш ишларини бирданига иккита камерада олиб бордик. Биринчиси Sony VG30 видеокамераси бўлса, иккинчиси Canon EOS 5D mark II фотоаппарати эди.

Интерьерда тасвирга олиш чоғимизда хонанинг ички ёруғлик манбаалари билан бирга камера усти ёритиш ускунасидан фойдаландик. Тасвирлар штатив воситасида тасвирга олинган. Суҳбатни ёзиб олишда ЕСМ-77ВС петляли радиомикрофонидан фойдаланилган. Кадрнинг ранг ҳарорати 5600К ни ташкил этади.



17-расм. Давра суҳбатини Б.Базарбаев олиб бормоқда.

Шу тариқа фильмдаги барча интервью кадрлари, барча сахналаштирилган кадрлар бирма-бир тасвирга олинди.

Оператор бевосита тасвир яратувчи санъаткордир. У ўз камераси ёрдамида маълум ҳолатга кирган фильм портрет қахрамонини “нишонга олади”, зийраклик билан кузатади, ёруғлик ва ранг унинг хизматида бўлади. Хужжатли фильмларда қўлланиладиган тасвирий воситалар ёрдамида гавдаланган тасвирий образларни, яхлит қилиб айтганда умумий жараёни кўз олдимизга келтирсак, фильмни сурагга олиш жараёнида кинооператорнинг ўрни ниҳоятда катта ва муҳим эканлигини билишимиз мумкин.

Биз ҳам фильмдаги ҳар бир эпизодда олинаётган кадрларнинг ҳар бири ўз маъносига эга бўлишига, қахрамонинг рухиятини очиб беришга, кадрларнинг ифодали бўлишига асосий эътиборимни қаратдик, баҳоли-кудрат буни амалга оширишга интилдик.

Кинооператор фильм сюжетини қурилишида образлар талқини ва режиссёр стилистикасини кўзда тутган ҳолда, бош мавзунини очишга ёрдам берадиган услуб танлаши ҳамда кадрлар композицияси тус-тоналлиги, ранглар динамикаси орқали томошабинларга фикрини етказиб бериши

лозим. Кинооператор кўпинча тасвирий воситаларни қўллашда кадрнинг тузилиш таркибини ҳисобга олмаса, кино кадрлардаги тасвир ва овоз воситаларинин мутаносиблигини ёддан чиқарса, фильмнинг бадиий компонентлари ўртасидаги муносабатлар ўзгаришига сабаб бўлади.

Шуни яхши англаган ҳолда объектларда ишлар эканмиз бир хилликдан ва такрорланишлардан қочишга интилдик. Кадрлар нукталари, ракурсларни танлашда характерга мослаб ва кадр эстетикаси каби жихатларни эсдан чиқармаган ҳолда ишлашга ҳаракат қилдик. Ёруғлик билан ишлашда асосий мақсадимиз қахрамоннинг психологик ҳолатларини янада очиб, томошабинга унинг қалбидаги гапларини етказишга ёрдам бериш, ҳар бир кадрда бадиий образ, атмосфера яратиш бўлди.

2.4. Монтаж жараёни.

Тасвирга олиш ишларини 2015 йилнинг май ойида тугатилгач фильмни монтаж қилиш пайти келди. Фильм менинг уйимда шахсий компьютеримда монтаж қилинган. Фильмни монтаж қилиш жараёнида курсдошим Ғ.Аҳмедов ҳам иштирок этган. Тасвирга олиш жараёнида юқорида айтиб ўтилган тасвирга узлуксиз олинган кадрлар монтаж пайтида назаримизда анча ёрдам берди. Тасвирга олинган кадрларнинг кўплиги ва турли хил ракурслардан тасвирга олинганлиги монтаждаги масалани ечишда фойда берди.

Монтаж жараёнида айрим кадрларда монтаж принципларини бузган ҳолатларимизга ўч келдик. Шу сабабли бу кадрлардан фойдаланмасликка ҳаракат қилдик. Етарли миқдорда олинган материаллар ишимизни анча енгиллаштирди. Монтаж жараёнида ҳам кафедра мудиримиз Б.Базарбаевдан қимматли маслаҳатлар олиб турдик. Деярли ҳар куни фильмнинг қоралама вариантини олиб келиб у кишига кўрсатиб фильмни муҳокама қилдик ва ўзимиз учун кейинги кадрларнинг монтаж йўналишини белгилаб олдик. Экран вақти чегараланган эди, лекин бизнинг назаримизда қўл ошимизда бўлган 3 соатлик видеоматериалда аксини топган маълумотларнинг барчаси

кераклидек эди. Шу тарафлама, энг керакли кадрларни ажратиб олиш томонлама Б.Базарбаевнинг кўп ёрдами тегди.

Фильмнинг музикий ва шовқин безагини ҳам ўзимиз қилдик. Ушбу фильмни тасвирга олиш ишлари 4 иш кунини ташкил этди. Монтажга эса 5 кун сарфладик.

3. ҲАЁТ ФАОЛИЯТИ ХАВФСИЗЛИГИ ВА ЭКОЛОГИЯ

Фан-техника тараққиёти инсоннинг меҳнат фаолиятида талай кулайликларни яратиш билан бирга инсон ҳаёти учун зарарли бўлган баъзи бир омилларни келиб чиқишига ҳам олиб келди. Саноатда электр қувватидан кенг фойдаланиш йўлга қўйилди. Ҳозирги пайтда ҳар қандай электр қурилма электр токи билан ишлайди. Шу сабабли электр токи таъсирида рўй бериши мумкин бўлган бахтсиз ҳодисалар ва улардан сақланиш муҳим масалалар каторига киради. Электр токининг энг хавфли томони шундаки, бу хавфни олдинроқ сезиш имкони йўқ. Шунинг учун ҳам электр токи хавфига қарши ташкилий ва техник чора тадбирларни белгилаш, тўсиқ воситалари билан таъминлаш, шахсий ва жамоа тизимларини ўрнатиш ниҳоятда муҳим.

Умуман, электр токи таъсири фақат биологик таъсири билан чегараланиб қолмасдан, балки электр ёйи, магнит майдони ҳамда статик электр таъсирлар ҳам бўлиб, буларни билиш ҳар бир киши учун керакли ва зарурий маълумотлар жумласига киради. Ҳозирги вақтда радио ва электрон қурилмаларнинг рвдиотелеметрия, радионавигация ва бошқа электромагнит тебранишларга асосланган аппаратларнинг кенг қўлланиши, кўпчиллик кишиларнинг радиоаппаратлар, уяли телефонлар ва компьютерлардан фойдаланиши электромагнит тебраниш тўлқинларидан муҳофазаланиш чора-тадбирларини амалга оширишни тақозо этади. Аёллар либосларини намоиш қилишни такомиллаштириш мақсадида Web саҳифа яратишда дастурчи қуйидаги хавфли ва зарарли омиллар таъсирида бўлади:

Омиллар:

1. Моаниторнинг электромагнит нурланишлари.
2. Экранда статик электр разряднинг ҳосил бўлиши.
3. Ультрабинафша нурланишлар.
4. Инфрақизил нурланишлар.
5. Рентген нурлари.
6. Ёруғлик тасвирининг ёрқинлиги.

7. Ёруғлик оқимининг липпиллаш даражаси.
8. Кўриш майдонида ёрқинликнинг нотекис тақсимланганлиги.
9. Тўғридан-тўғри ялтираш даражасининг юқорилиги.
10. Ёритилганлик даражасининг юқори ёки пастлиги.
11. Ҳаводаги чанг заррачалари.
12. Ҳавонинг ионланиши даражасининг ўзгариши.
13. Ҳаво намлигининг ўзгариши.
14. Иш зонасида ҳаво оқимининг ўзгариши.

Кимё омиллар: Ҳаво таркибидаги: углеродлар оксид, озон, аммиак, формальдегид, полихлорли бифенилларнинг ҳосил бўлиши.

Психофизиологик ва микробиологик омиллар:

1. Дикқат ва кўришининг зўриқиши.
- 2.Зукколик ва ҳиссиётнинг зўриқиши.
- 3.Узоқ давом этувчи мувозанатли зўриқиш.
4. Иш жараёнининг бир хиллиги.
5. Вақт бирлигида ишлаб чиқиладиган ахборот ҳажмининг кўплиги.
6. Иш жойларининг нотўғри ташкил қилиниши.
7. Ҳаводаги микроорганизмлар миқдорининг юқорилиги.

3.1. Иш жойларини ташкил қилиш

Компьютерни хонада тўғри жойлаштириш ва тўғри лойihalаниб, ўрнатилган ёритгичлар фойдаланувчини кўришини яхши таъминлайди, асаб тизимига қўшимча зўриқиш бермайди, операторни нормаллаши фаолиятини таъминлайди, иш жараёнидаги хатоларни кескин камайтиради. Компьютерларни алоҳида хоналарга 5-6 дисплейдан ортиқ бўлмаган ҳолда жойлаштириш тавсия қилинади. Бу энг аввало микроиқлимни йўл қўйилган қийматлари параметрларини таъминлашга имкон беради. Санитар нормаларга мувофиқ бита фойдаланувчи учун 5м² майдон, ҳажми 20м³ дан кам бўлмаслиги керак. Гигиеник нуқтаи нуқтаи назардан компьютерни шундай жойлаштириш керакки, экрандан кўзни кўтарганда, хонадаги энг

узоқда жойлашган нарса ҳам кўрсин. Операторнинг иш жойини кириш эшигига юзи қараган ҳолда жойлаштириш энг самарали ҳисобланади. Энг узоқ масофага нигоҳни ўтказиш имкони-компьютерда ишлагандаги кўриш тизимининг оғирлигини камайтиришни энг самарали усули ҳисобланади. Иш жойларини компьютердан деворгача бўлган масофа 1м дан кам бўлмаган ҳолда хонанинг бурчакларига ёки деворга қаратиб жойлаштириш, деразадан тушган ёруғлик кўз учун ортиқча зўриқиш бўлмаслигига ёрдам беради. Шунинг учун ҳам компьютерни деразага қаратиб жойлаштирмаслик даркор. Агар бир хонада бир неча компьютерлар жойлашган бўлса, электромагнит нурларнинг таъсирини камайтириш учун бир манитор экранидан иккинчисининг орқа деворигача масофа 2 м дан кам бўлмаслиги керак.

Санитар қоидаларга мувофиқ шахсий компьютерлар жойлашган хонада аралаш ёритилганлик, яъни табиий ва сунъий бўлиши керак. Табиий ёритилганлик иложи борица шимолга ва шимолий шарққа йўналтирилган бўлиши, имкони бўлмаса, жадал қуёш нури жанубий ва ғарбий деразалардан ялтиллашлар юзага келтирмаслиги ва ишлашга ҳалақит қилмаслиги учун деразаларни пардалар, жалюзлар ёки ташқи тўсқичлар билан таъминлаш керак. Иш жойи деразага нисбатан ёнланмасига жойлашган бўлиб, табиий ёруғлик чап тарафдан тушиши мақсадга мувофиқ. Компьютерлар шундай жойлашиши керакки, ёниқ экран бошқа операторнинг кўриш майдонига тушмаслиги, экранда табиий ва сунъий ёритилганликнинг аксидан ялтиллашлар бўлмаслиги керак.

Кўриш шароитини баҳолаш учун ялтиллаганлик тушунчаси киритилади. Ялтиллаганлик-кўриш функциясини бузилишига олиб келувчи ялтиллаган юзларнинг кучайган ёруғлиги бўлиб, объектни кўришни ёмонлаштиради. Ялтилламасликнинг бирлиги-кг/м² . 30 минг кг/м² га тенг ёруғлик кўзни кўр қилади. Ялтиллаганлик ҳаддан ташқари асабийлашувини юзага келтиради. Шунинг учун санитар қоидалар ёруғлик келтиради. Шунинг учун санитар қоидалар ёруғлик манбаидан тўғридан-тўғри пайдо бўладиган ялтиллаганликни чегаралайди. Дераза, ёритгичлардан тушган

ёруғлик кўриш майдонида 200 кг/м^2 дан ошмаслиги керак. Экран, стол, клавиатура каби иш юзасидан қайтган нурлардан ҳосил бўладиган ялтиллаганликларни ҳам чегаралаш керак. Бу ёритгичларни тўғри танлаб, иш ўринларини табиий ва сунъий ёритгичларга нисбатан тўғри жойлаштириш ҳисобига амалга ошади, бунда ялтиллашларнинг ёруғлиги дисплей экранида 40 кг/м^2 дан ошмаслиги керак.

Мутахассисларнинг тавсиясига кўра деворлар, мебеллар оч сут рангда, шипдан нур қайтариш коэффициенти 0.7- 0.8, девордан ва полдан 0.6 ва 0.3 бўлиши керак. Бунга шипни оқ ранга, деворларни оч сариқ ва қизғиш ранга бўяш натижасида эришиш мумкин. Умумий ёритиш учун люминесцент лампалар ишлатилиши натижасида улардан ёруғлик оқими кучланишининг ўзгаришига қаттиқ боғлиқ бўлганлиги сабабли ёритилганликнинг тебраниши юзага келади, бу ўз йўлида кўзни ҳар сафар адаптация қилишига, толиқишига олиб келади. Шунинг учун маҳаллий ва умумий ёритгичлар сифатида юқори частотали, ёнишини назорат қилувчи ускунали газоразрядли лампалар ишлатилиши керак. Тўғри танланган, яъни энг камида Швеция ўлчовлар ва синовлар Миллий комитети томонидан қабул қилинган МРК(II) талабларига жавоб берадиган ва керакли сертификати бўлган компьютерларда ишлаганда фойдаланувчи соғлиғини сақлаш мақсадида қуйидаги қийин бўлмаган қоидаларга риоя қилиш керак:

- иш жойи қулай бўлиши ва таянч-ҳаракат аппаратини ҳамда қон алмашишини нормал ишлашини таъминлаш керак;

- кун давомида видеотерминалда умумий ишлаш давомийлиги 4 соатдан ошмаслиги, видеотерминалда узлуксиз ишлаш 1.5-2 соатдан кўп бўлмаслиги, ҳар бир соат ишдан сўнг камида 10-15 минут танаффуз қилиш, шу пайтда ўриндан туриб, кўз, бел, қўл ва оёқ учун махсус машқлар қилиш керак.

- нормал кўриш қобилиятида кўз экрандан қўл чўзганчалик (яъни 60-70 смдан кам бўлмаган) масофада бўлиши ва йилига камида бир маротаба кўз врачига текширтириб туриш керак;

- бир соат мобайнида 10 мингдан ортиқ клавишни босиш керак эмас;
- манитор экранда ялтиллашлар пайдо бўлишига йўқ қўйилмаслиги керак;
- ҳомиладор аёлларнинг компьютерда ишлашига рухсат берилмайди.

3.2. Табиат ва жамият муносабатларининг узвийлиги ва уларни оптималлаштириш жиҳатлари

«Табиат – вужудга келмоқ, дунёга келган маъноларини билдиради. «Табиат» сўзи нарсаларнинг моҳияти ҳамма нарсаларнинг йиғиндиси ва инсонни ифодалайди.

Инсон ўзининг келиб чиқиши ва яшаши нуқтаи назардан табиатнинг бир бўлагидир. Шу маънода табиат, мазмуни жиҳатидан, бевосита ҳамма фаолиятнинг йиғиндиси, ҳамма нарса ва воқеаларнинг умумий боғланиши, умуман борлигидир. Табиат тушунчаси икки хил маънода қўлланилади. Кенг маънода бутун борлиқ, оламнинг чексиз хилма-хиллигининг аниқ намаён бўлиши сифатида бунда табиат «борлиқ», «воқеълик», «коинот», «олам» тушунчаларининг синонимидир. Уларнинг ҳаммаси бутун борлиқ йиғиндисини, шу жумладан инсонни ҳам ифодалайди.»

Тор маънода эса табиат инсоннинг географик муҳитини англатади. Инсон ва табиат ўртасидаги муҳит инсоният цивилизациясининг тараққиёти билан боғлиқ равишда ўзгариб туради.

Бизнинг теварак атрофимизни хилма-хил кўринишдаги, шаклдаги турли-туман моддий объектлар ўраб олган. У турли хил хоссаларига ва хусусиятларга эгадир. Бир пайт ҳамма жисмлар материянинг бўлинмас шакли атомлардан ташкил топгандир, деган тасаввур ҳукмрон эди. Атомларнинг тузилганлиги ҳақидаги фаразлар асримизга келиб узил-кесил тасдиқланди.

Ҳозирги замон фанларининг хулосаларига кўра, атрофимиздаги ҳар қандай жисм молекулалардан ташкил топган молекулалар эса атомлардан тузилган. Биз кўриб турган жисмларнинг бундай бўлиниши табиий фанлар

томонидан исботлаб қуйилган. Аммо табиатга фалсафий ёндашилганда, унинг юқорида санаб ўтганимиздек, синонимларга тўхталмасдан бўлмайди.

Борлиқ - фалсафий тушунча, ўзида бутун мавжудотни, унинг ўтмиши, ҳозирги даври ва келажагини ҳам қамраб олади. Кишилар азалдан ўзини кўршаб турган оламни фалсафий нуқтаи назардан тушунишга ҳаракат қилиб келган. Борлиқ тушунчаси оламни фалсафий англаш учун ишлаб чиқилган асосий тушунчадир.

Илмий фалсафа нуқтаи назаридан борлиқ тушунчаси сермазмун, кўп қиррали бўлиб, инсонга боғлиқ бўлмаган ҳолда мавжуд бўлган объектив оламни ифодалаш, акс эттиришдир. Борлиқ тушунчаси орқали кишилар ўз онгида дунёнинг мавжудлиги унинг чексизлиги, абадийлиги, яхлит ва бир бутунлиги ҳақида умумий тасаввурга эга бўларди. Бунинг асосий турларини моддий предметлар, жараёнлар борлиги, инсон борлиғи, маънавий борлиқ, ижимоий борлиқ ташкил этади.

Инсон борлиғига муайян бир ижтимоий гуруҳ, табақа, синфга мансублик, ўзига ҳос манфаатга эга бўлган ўзлигини англай биладиган шахслар киради.

«Олам – борлиқнинг одам назарда тутган унсурлардан ташкил топган одам томонидан билинган, англаб олинган қисми. Олам туғрисида турлича, ҳатто бир бирига қарама-қарши қарашлар мавжуддир.

Олам тушунчаси кенг қамровли ва кенг йуналишли тушунча бўлиб, маълум маънода, воқеъликка тизимли ёндашишни эслатади. М: оддий зарралар олам ва инсон.

Бу тушунча ўзига, одамга маълум бўлган ва маълум бўлмаган барча оддий зарарчаларни қамраб олади. Агар биз яшаётган бутун коинотни оддий зарралардан ташкил топган деб ҳисобласак, бу тушунча бутун коинотни ҳам акс эттириши мумкин. Масалан: ёки ўсимликлар олами тушунчасини олайлик. Бу тушунча фақат ўсимликларга тегишли бўлиб, ҳайвонот ва одамлар бу оламдан четда қолади. Шу нуқтаи - назардан олам тушунчаси нисбий моҳиятга эга».

«Инсоннинг ички маънавий дунёси, унинг қизиқишлари, эътиқоди, тушунчалари минг йиллар мобайнида шаклланади, онгда мустахкамланиб борди. Шунга кўра иқтисодий, ижтимоий, сиёсий муносабатдаги туб ўзгаришлар махсули бўлган. Инсон онгида бўлган ўзгаришлар, бирмунча мураккаброқ кечиб, маълум вақт ичида содир бўлади. Объектив оламда содир бўлган ёки бўлаётган ҳодисалар, уларнинг умумлашмалари асосида инсон тушунчалари, онги, фикри шаклланади. Инсон рухий дунёсини ўзгартириш йўлида бўлган зўравонликлар, тазйиклар сўзсиз равишда ички, яширин қарама-қаршиликларни келтириб чиқаради».

Ўз-ўзини назорат қилиш, ўз-ўзини тарбиялаш юксак масъулиятни ҳис этиш, ғоя учун кўрашиш мустахкам эътиқодга эга бўлиш, ўз фикр мулоҳазаларини эркин баён этиш ва ижтимоий сиёсий фаоллик шахсга хос белгилардир.

Инсон ўз ҳаёти давомида тана ва рух эҳтиёжларини қондиришга интилади. Тана эҳтиёжларини қондириш инсон борлигининг бирламчи шарти ҳисобланади. Бироқ инсон рухи ҳам ўзига ҳос озуқага эҳтиёж сезади. Шу боис унда маърифатпарвар, одамийлик, раҳм-шафқат, диёнат, виждон, олийҳимматлик, ватанпарварлик каби маънавий фазилатлар шаклланади.

Инсон табиати ғоят мураккаб. Унда ҳайвоний ва илоҳий сифатлар мужассамлашган. Аммо у ҳайвон ҳам, фаришта ҳам эмас. Инсоний рух ва маънавият уни бошқа мавжудотлардан юқори даражага кўтаради.

XX аср ўрталаригача, ҳатто яқин – яқинларгача ҳам инсон табиатга ҳоким, уни истаганча ўзгартириши, иродасига бўйсундириши мумкин, деган нотўғри фикр устунлик қилиб келди. Ўша шароитларда бу фикр дунёнинг кўпчилик мамлакатларида, жумладан ўзимизда ҳам кўллаб – қувватланди. Табиатни иқтисодиёт талабига мослаштириб ўзгартириш авж олиб кетди. Қанчадан – қанча лойихалар вужудга келди. Дарё ва кўллардаги балиқлар, паррандалар, ҳайвонлар эҳтиёждан ортиқча овланди ва кўпчилиги ҳозир йўқ бўлиб кетди. Ўрмонларга нисбатан ҳам кўр – кўрона муносабатда бўлиши туфайли Ер шарида 100 аввалги 7200

миллион гектар ўрмондан ҳозир 4100 миллион гектар ўрмон қолди. Жамиятнинг табиатга таъсири ҳамиша олий мақсадга мувофиқ оқилона бўлиши керак. Табиатни муҳофаза қилиш ҳозирги даврнинг энг ўткир ва долзарб умумбашарий муаммолардан биридир. Бунинг маъноси нимадан иборат? Табиатни муҳофаза қилиш инсониятнинг эртанги куни ҳақида ғамхўрлик қилиш, ер юзасидаги барча инсоният учун муқаддас даргоҳ ҳисобланган сайёрамизнинг тақдири тўғрисида жон куйдириш, уни тинч – тотув ҳолатда сақлаб қолиш демакдир! Бу инсон учун зарур бўлган барча ноз – неъматлар манбаи – ерни севиш ва ардоқлаш, унинг касалланиб яроқсиз бўлиб қолишига йўл қўймасликдир. Бундай шарафли ва олийжаноб ишдан ўзини четга оладиган бирон киши, элат ва миллат, Бирон – бир мамлакат бўлиши мумкин эмас. Табиатни муҳофаза қилишни ёки бошқача айтганимизда экологик хавфсизликка алоҳида эътибор беришни пайсалга солиб бўлмайди.

Табиатга меҳр – муҳаббат билан ёндашиш, теварак – атрофни сувни, ҳавони, тупроқни, ҳайвоноту набоботни асраб – авайлаш ҳақида ислом таълимотида ҳам муҳим ғоялар мавжуд. Биз яшаётган коинотдаги, ер юзидаги барча ноз – неъматларнинг қадрига етиш, уларни эъзозлаш, уларни асраш, исроф қилмаслик ҳар бир мўмин мусулмоннинг бурчидир.

Табиатни эъзозлаш, уни муҳофаза қилиш, инсон онгининг етуқлиги билан бевосита боғлиқдир. Шунинг учун ҳам ҳозирги вақтда кишиларда экологик онг ва маданиятни шакллантириш алоҳида аҳамият касб этади. Бу борада оиланинг роли катта. Ёшларимизда экологик маданиятни тарбиялашда болалар боғчалари, мактаб, ўрта махсус ва олий ўқув юртлари ҳам жонбозлик кўрсатмоғи лозим. Меҳнат жамоалари, жамоат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари доимий ва изчил равишда аҳолининг экологик онги ва маданиятини тарбиялашга оид ишларни мунтазам олиб борсалар, бу масалада шунчалик тез жиддий ўзгаришларни қўлга киритишимиз мумкин эканлигини ҳеч ҳам эсдан чиқариш керак

эмас! Юқорида айтилганларни умумлаштириб, қуйидагича хулоса чиқариш мумкин:

1) инсоннинг табиат билан алоқаси Ерда инсонлар пайдо бўлган вақтларданоқ юзага келган бўлиб, бу зарурий объектив алоқадорлик ўз аҳамиятини бундан кейин ҳам ҳеч қачон йуқотмайди;

2) табиат билан жамият ўртасидаги алоқадорлик, жамиятнинг табиатга, табиатнинг эса жамиятга таъсири кишилар онги ва иродасига боғлиқ бўлмаган объектив қонуниятдир;

3) жамият билан табиатнинг объектив алоқадорлиги, табиий шароитларнинг жамият тараққиётига кўрсатадиган таъсири жаҳондаги айрим бир халқлар ва мамлакатларга тааллуқли бўлиб қолмай, балки бутун инсоният учун, барча жамиятлар ва мамлакатлар учун бир хилда умумийдир;

4) табиий муҳит инсоннинг моддий неъматлар ишлаб чиқариш фаолиятининг доимий, абадий ва зарурий шартидир.

3.3. Ёнғин хавфсизлиги

Ёнғинлар алоқа корхоналари , халқ хўжалигининг ҳамма тармоқлари, қишлоқ хўжалиги ва турар жойларда юз бериши мумкин бўлган, етказадиган зарари жиҳатидан табиий офатларга тенглашиши мумкин булган ҳодиса ҳисобланади. Ёнғинлар катта моддий зарар келтириши билан бирга , оғир бахтсиз ҳодисалар , заҳарланиш , қуйиш натижасида кишилар ҳаётини олиб кетган ҳоллар кўплаб учрайди .

Шунинг учун ҳам ёнғинга қарши кураш барча фуқароларнинг умумий бурчи ҳисобланади ва бу ишлар давлат миқёсида амалга оширилади.

Умуман ёнғин чикмаслигини таъминлаш , ёнғин чиққан тақдирда ҳам унинг ривожланиб, тарқалиб кетишининг олдини олиш, моддий бойликларни инсон саломатлиги ва унинг ҳаётини сақлаб қолишга қаратилган чора тадбирлар бўлиб , бу масалалар меҳнатни муҳофаза қилишнинг таркибий қисми ҳисобланади .

Бизнинг вазифамиз ёнғин ҳақида асосий тушунчалар бериш билан бирга, унга қарши самарали кураш олиб бориш, ёнғинни учуришда қўлланиладиган бирламчи воситалар, ҳар хил тадбирлар билан ўқувчиларни таништиришга қаратилган.

Ёнғиннинг сабаблари: иситиш печларини куриш ёки ишлатиш қодаларини бузиш, ишлаб чиқариш ёки уйда оловни эҳтиётсизлик билан ишлатиш, керосин билан ишлаётганда ёритиш ёки қиздириш асбобларидан нотўғри фойдаланиш ёки нотўғри ўрнатиш. яшин ёки статик электр разрядларини ишлатиш. Машиналар ва ишлаб чиқариш жихозларинг носозлиги ҳамда уларни ишлатиш қодаларига роя қилмаслик сабаб бўлади.

Ёнини олдини олиш учун тадбирлар: ташкилий, техникавий тадбирлар қўллаш керак бўлади.

3.4.Фавқулоддаги ҳолат критериялари

«Фавқулодда ҳолат» тушунчасининг таърифи ҳар хилдир. Айрим Америкалик тадқиқотчиларнинг айтишича, фавқулоддаги ҳолатларни, тусатдан, кутилмаган вазият деб, кечиктириб булмайдиган ҳаракатлар бажариш билан белгилайдилар. Фавқулоддаги ҳолат тушунчаси «хавф» ва «таваккал» тушунчалари билан боғланган. Тадқиқотчилар шуни курсатадики, яъни, саноатдаги ҳалокатлар (авариялар), қачон улар томонидан келиб чиққан номақбул оқибатлари одамнинг яшаш фаолиятини ижтимоий структурасига хавф келтирмасагина, шу вақтда фавқулоддаги ҳолат дейилади.

Уларнинг таснифи асосига, олдиндан мулжаллаб қуйилган ёки мўлжаллаб қўйилмаган фавқулоддаги ҳодисаларга киради. Кайд килинган турларининг 1-сига ижтимоий – сиёсий мажоралар, 2-сига фавқулоддаги ҳолатнинг 3 та синфи (табiiй офатлар, техноген катастрофалар ва «комбинациялашган» фавқулоддаги ҳолатлар) киради.

Фавқулоддаги ҳолатнинг энг муҳим хусусиятларининг тузилиш хусусиятларидир (ривожланиши), давомийлиги бўйича ҳамма ҳодисаларни

«портловчи» ва «силлик» ларга бўлиш мумкин. Биринчи турдаги фавкулоддаги ходисанинг ривожланиш давомийлиги бир неча сониядан то бир неча соатгача бўлади. Бундай экстремал ҳодисаларга табиий офатлар ва айрим турдаги техноген катастрофалар (йирик АЭС, ТЭС, ва бошқалар) мисол бўлиши мумкин, 2-турдаги фавкулоддаги ҳодисалар ривожланиши давомийлиги бир неча унлаб соатларда ҳисобланиши мумкин.

Тарқалиш масштабига қараб, фавкулотдаги ҳодисалар: Локаль (объектни), маҳаллий, регионал, миллий ва глобалларга таснифланади.

Локаль фавкулоддаги ҳодисалар халқ хўжалигининг айрим объектларида (корхоналарда, саноат тозалаш иншоотларида, омборхоналарда ва нарсалар сақлайдиган ва бошқалар) вужудга келади. Фавкулоддаги ҳолатнинг оқибатлари шу объектларда ўзларининг кучлари ва ўз ресурслари ҳисобига йўқотилади.

Маҳаллий - фавкулоддаги ҳодисалар, аҳоли яшайдиган пунктларда, шаҳарда бир ёки бир неча туманларда, шунингдек, вилоят доирасида содир бўлганлари киради. Уларнинг оқибатларини тугатишда вилоят ресурслари жалб қилинади.

Регионал- фавкулоддаги ҳолатлар бир неча вилоятлар ҳудудини ёки иқтисодий районларини эгаллайди.

Миллий - бу бир қанча иқтисодий районларнинг ҳудудларини ўз ичига олади, аммо давлат ташқарисига ўтиб кетмайди.

Глобал – фавкулоддаги ҳодисалар бошқа давлатларга ҳам тарқалади. Буларнинг оқибатлари давлат ёки халқаро бирлаш-маларнинг ҳисобига тугатилади.

Жадвалда келтирилган бошқа «техноген катастрофалар» ҳозирги адабиётларда кўпинча экологик деб айтилади.

3. Ҳар қандай техноген фавкулоддаги ходисанинг вужудга келиши, шу жумладан, техноген катострофаларнинг содир бўлишида бош ролни одам уйнайди. Экспертларнинг баҳолаши бўйича, одамларнинг хатоси АЭС даги экстремал ҳолатнинг 45 фоиз авиакатастрофаларнинг 60 фоизи ва денгиздаги

катастрофаларнинг 80 фоиз ташкил этади.

Фавқулоддаги ҳолат жараёнини ривожланишини (шу жумладан техноген катастрофаларни) 3 та босқичга бўлиш мақсадга мувофиқ;

Юзага келиши, энг юқори нуқтаси (кульминация) ва сунмиш. Биринчи босқичида техноген катастрофаларнинг замини тузилади: жуда кўп техник носозликлар тўланади.: ускуналарни ишлашида тўхташлар кузатилади: унга хизмат кўрсатувчи ходим хатоларга йўл кўяди; объект ташқарисига чиқмайдиган катастрофик бўлмаган авариялар содир бўлади, яъни техник таваккаллик ортиб боради.

ХУЛОСА:

Фильм-портрет – бу оддий инсон хақида экранда илиқ ва мулоҳазали хикоя қилиш демакдир. Бу шунчаки расмиятчилик эмас, шунчаки резюме ёки автобиография эмас. Фильм-портрет аввало орамиздаги оддий инсон, кўпинча эса оддий инсонларнинг бири бўлиб кўринган лекин аслида жуда кучли матонат, сабр-тоқат, шижоат, бағрикенглик, саховат ва меҳр туйғулари эгаси бўлган ҳақиқий қаҳрамон ҳақида хикоя қилишга уринишдир.

Фильм портрет жанридаги фильмларни тасвирга олиш жараёнида операторларнинг тасвирга олинаётган шахснинг ўтмиши, унинг ўзига хос хусусиятларидан хабардор бўлмагани тасвирларнинг олинишида ҳам ижодий, ҳам техник жихатдан сифатнинг пасайишига сабаб бўлади.

Ҳақиқатдан ҳам тасвирга олиш гуруҳи фильм қаҳрамони учун ҳақиқий дўстлар, ҳамдардлар, ҳамкасбларга, сирдошларга айланиши лозим. Ана шундагина қаҳрамон уларга қалб тубидаги сирларини ишониб очиши мумкин.

Оператор, тасвирга олинаётган ҳар бир кадр унинг нигоҳи орқали ўтар экан, энг аввало ўз касбининг масъулият ва имкониятларини чуқур англагани ҳолда ишга киришиши, тасвирга олаётган ҳар бир кадрининг сифати, ғоявий бадиий хусусиятларини тўлиқ англаб етиб жавобгарликни хис қилиши лозимдир.

Оператор ижодий гуруҳ билан биргаликда ишлаб чиқраиш жараёнида ҳамжихатликда ишлаш, техник воситалар ва уларнинг имкониятларидан унумли ва самарали фойдалана олиши лозим. Шунингдек, хужжатли фильм сценарийсида ёзилган воқеа ва ҳолатларни тасвир тили билан, бадиий образлар ва монтажнинг муайян турлари воситасида томошабинга етказа олиши, фильм ёки кўрсатув мўлжалланган томошабинлар аудиторияси рухияти ва умумий қизиқишларидан келиб чиқиб тасвирий ечим ва услуб танлай олиш малакасига ҳам эга бўлиши лозим.

Мазкур Битирув малакавий ишни тасвирга олишим давомида мен ўзим учун кўп янгиликлар олдим ва хулосалар чиқардим. Суратга олишга тайёргарлик ташкилий ишларга катта аҳамият бериш, бор имкониятлар, мавжуд шарт – шароитлардан келиб чиқиб, ундан максимал даражада ва оқилона фойдаланиш, ижодий ва техник гуруҳ аъзолари билан ижодий ҳамжихатлик ҳар қандай ишнинг муваффақиятини таъминлаши мумкинлиги тўғрисида хулосалар чиқардим.

Кадр билан ишлашда, операторлик ишланмасини (режасини) тузиш пайтида объект билан тўлиқ танишиб, шарт-шароитларни ўрганиб, шундан кейин иш олиб бориш, кадр композицияси тўғрисида режиссёр билан олдиндан тўлиқ келишиб олиш ва шу ҳолатга тайёргарлик кўриш, тасодифий, мақсадсиз кадрларни суратга олмаслик каби хулосаларни чиқардим.

Иш қуроллар созлигини олдиндан назорат қилиш, камчиликларни бартараф этиб бориш. Тасвирга олиш объектлари масаласида ҳам олдиндан эҳтиёт чораларини кўриб қўйиш ва кўплаб бошқа ўзим учун зарур бўлган хулосаларга келдим. Ўз келажак ишларим, равнақим учун фойдали бўлган фикрларга, малакаларга эга бўлдим.

Айтишим мумкинки, мен ўзим тасвирга олган кадрларимдан тўлиқ қониқиш ҳосил қилмадим. Келажакдаги ишларимда бунданда сифатлироқ, яхшироқ ишлашга интиламан.

Иқтидорли ёш мутахассисларни, профессионал телеоператорларни тарбиялаш, уларнинг ижодий имкониятларини рўёбга чиқаришга алоҳида эътибор қаратиш учун, юқорида айтиб ўтганимиздек, ватанимизда кино ва телевидение соҳалари учун малакали кадрларни, кино ва телеоператорларни тайёрлаб берадиган Олий таълим масканлари ташкил этилди. Ана шундай олий таълим масканидан бирини биринчи қалдирғочларидан бўлиб битириб ҳақиқий мутахассис бўлиб чиқаётганимдан фахрланаман.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1992 йил 9 мартдаги “Кинокомпания” тармоғини ташкил этиш тўғрисидаги Фармони.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 16 мартдаги “Кинематография соҳасида бошқаришни янада такомиллаштириш тўғрисида”ги Фармони.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 8 ноябрдаги 3678-сонли “Мустақил телерадио каналларни ислоҳ қилиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 1 апрелдаги 1088-сонли “Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси тизимида юқори технологияли телерадио ускуналардан фойдаланиш самарадорлигини янада ошириш чора тадбирлари тўғрисида”ги Қарори.
5. Каримов И. Ўзбекистон XXI асрга интилоқда. – Т.: “Ўзбекистон”, 2000.
6. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч – Т.: Маънавият, 2008.
7. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар – Т.: Ўзбекистон, 2001.
8. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 1-3, 7-11 жилдлар – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси нашриёти, 2000.
9. Абулқосимова Х., “Кино асослари”. Т.: ТДСИ. 2008.
10. Исмоилов А.И., “Кинотелеоператорлик маҳорати”. Т.: ТДСИ. 2004.
11. Симонов А.Г., Цвет в кино. - М. 1996.
12. Головня А.Д., Оптическая композиция фильма. - М. 1990.
13. Кончаловский А., "Возвышающий обман", М., "Совершенно секретно", 1999 г. 352 с.
14. Коноплев Б.Н., “Основы фильмопроизводства”, М., "Искусство", 1988 г.
15. Фрейлих С.И., "Теория кино", Москва, "Искусство", 1992 г. – 351 с.
16. Юренев Р.Н., "Краткая история киноискусства", М., "Академия", 1997 г.
17. Муравий Л.А. “Экология и безопасность жизнедеятельности”. ОТМ талабалари учун ўқув қўлланма., 2002.

18. Белов С.В. “Безопасность жизнедеятельности”. М.: Высшая школа. 2003.
19. Ёрматов Ғ. Ё., Исамухамедов Ё.У. “Меҳнатни муҳофаза қилиш”. Дарслик. “Ўзбекистон” нашриёти. Тошкент 2002.
20. Симонов А.Г., Цвет и свет на ТВ. - М. 1998.

Интернет сайтлари:

1. <http://www.prokino.ws.ru>.
2. <http://kino-poisk.ru>.
3. <http://ru.wikipedia.org>
4. <http://rus.625-net.ru>
5. <http://www.tkx.uz>
6. <http://uzbekkino.uz>
7. <http://sahro.net>
8. <http://uzbekfilms.haqida.com>
9. <http://uz-kino.com>

ИЛОВАЛАР

“Академик Тельман Дадаевич” фильмидан кадрлар.



1. Академик Т.Д.Раджабов дарс жараёнида.



2. Академикдан интервью олиш жараёни.



*3. Академикка ТАТУ ректори Х.А.Мухитдинов
Ташакурнома тақдим этмоқда.*



4. Н.Сабуровадан интервью олиш жараёни.



5. Бек Ойбековичнинг ҳонадонида.



6. Тасвирга олиш жараёни.